БУТУН ДУН'Ё ПРОЛЕТАРЛАРИ, БИРЛАШИНГИЗ!

ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ

УЗБЕКИСТОН КП ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ, ШАҲАР КОМИТЕТЛАРИ, МЕҲНАТКАШЛАР ДЕПУТАТЛАРИ ОБЛАСТЬ ВА ШАҲАР СОВЕТЛАРИНИНГ ОРГАНИ

№ 67

12 МАЙ ЧОРШАНБА 1954 ЙИЛ

БАҲОСИ 20 тиин.

БУГУНГИ СОНДА:

Т. Г. Шевченко номидаги Киев опера ва балет театри СССР Большой театри саҳнасида «Богдан Хмельницкий» операсини кўрсатди (1-нчи бет).

ОБЛАСТЬ ПАРТИЯ КОМИТЕТИДА. — Ўртачирчиқ районида ғўзанинг қониқарсиз парвариш қилинаётганлиги тўғрисида (1-нчи бет).

Н. Эгамназаров. — Металлурглар шаҳрида (2-нчи бет).

УКРАИНАНИНГ РОССИЯ БЛАН ҚАЙТА ҚЎШИЛИШИНИНГ 300 ЙИЛЛИГИ ОЛДИДАН. — **А. Асиновская.** — Қардош рус ва Украин музика маданиятининг Ўзбек музика маданияти ривожланишига та'сири (2-нчи бет).

Областимизда (2-нчи бет).

Ғўзаларни юқори сифатли парвариш қилиб, барча майдонларда мўл ҳосил етиштиришга эришайлик! М. Икромов. — Мусобақадошлар маслаҳатини тезда амалга оширайлик. **Н. Артемьев.** — Коллектив хўжаликнинг қудратли кучи (3-нчи бет).

Ташқи ишлар министрларининг Жанва кенгаши (4-нчи бет).

Диен-Биен-Фу учун бўлган жангларда Француз қўшинларининг кўрган талофоти тўғрисида Вьетнам ҳарбий қўмондонлигининг ахбороти (4-нчи бет).

Пекинда Осиё мамлакатлари касаба союзлари вакилларининг кенгаши (4-нчи бет).

Колхозчиларга маданий-маиший хизматни янада яхшилайлик

Коммунистик партия ва Совет ҳукумати халқимизнинг моддий аҳволини тобора яхшилаш ва маданий ҳаётини янада фаровон этиш тўғрисида тинмай ғамхўрлик қилмоқдалар. Партия ва Совет давлатининг кенг меҳнаткашлар оммаси ҳақида қилаётган меҳрибонлиги — социалистик жамиятимиз тараққиётининг асосий қонунидир. Мамлакатимиз меҳнаткашлари халқнинг бахт-саодати тўғрисида ва социалистик Ватанни гуллаб-яшнатиш тўғрисида ғамхўрлик қилиш Коммунистик партиянинг, унинг Марказий Комитети ва Совет ҳукуматининг олий мақсади эканлигини кўпйиллик тажрибаларида кўриб ишондилар. Партия ва ҳукуматимизнинг ғоят катта ғамхўрликларидан илҳомланган совет кишилари мамлакатимизда коммунизм қурилиши йўлида зўр ғайрат ва юксак ижодий кўтарилиш билан меҳнат қилмоқдалар.

Социалистик қишлоқ хўжалигимизнинг меҳнаткашлари, ҳам КПСС Марказий Комитети сентябрь ва февраль-март Пленумларининг қарорларини бажариш учун курашиб, янгидан-янги ғалабаларга эришмоқдалар. Бутун мамлакатда аҳолининг озиқ-овқат маҳсулотларига нисбатан ўсиб бораётган эҳтиёжларини яқин икки-уч йил ичида етарли миқдорда қондириш ҳамда енгил ва озиқ-овқат саноатини хомаш'ё блан та'минлаш учун, социалистик қишлоқ хўжалигининг ҳамма тармоқларини янада кучли суратда юксалтириш, мамлакатга кўпроқ ғалла, сут, гўшт, жун, пахта, сабзавот ва бошқа қишлоқ хўжалик маҳсулотлари етиштириб бериш учун мусобақа кучайиб кетди. Областимиз колхозчилари бу мусобақага қўшилиб, меҳнат унумини ошириш, бу йил пахтадан ва бошқа қишлоқ хўжалик экиниларидан мўл ҳосил етиштириш юзасидан олган социалистик мажбуриятларини тўла бажариш учун астойдил меҳнат қилмоқдалар. Ана шундай бир шароитда колхозчиларга, совхоз ишчиларига ва тракторчиларга маданий-маиший хизматни янада яхшилаш, пул ва натура аванслирини ҳамда иш ҳақларини муntазам равишда бериб туришни тўғри йўлга қўйиш биринчи даражали аҳамиятга эгадир.

Ўзбекистон ССР Министрлар Совети ва Ўзбекистон КП Марказий Комитети «Чигит экишни тугаллаш, чигитни бир текис ундириб олиш ва ғўза қатор ораларини ишлашни кучайтириб юбориш тадбирлари тўғрисида» деб чиқарган қарорида колхозчилар, совхоз ишчилари ва тракторчиларга маданий-маиший хизматни кучайтириш масаласига алоҳида э'тибор берди. Қарорда бундай дейилади: «...партия, совет ташкилотлари, қишлоқ хўжалик органлари, колхоз, совхоз ва МТС раҳбарлари дала ишларида банд бўлган колхозчилар, совхоз ишчилари ва тракторчиларнинг юқори унумли ишлаши учун ҳамма зарур шароитларни яратиб бериш тадбирларини кўришлари лозим; барча бригадаларда дала шийпонлари, болалар яслилари ва болалар майдончалари қуриш ҳамда жиҳозлаш 5 майдан кечикмай тамомлансин, колхозчиларга ишлаган меҳнат кунлари бўйича пул ва натура аванслири, тракторчилар ва совхоз ишчиларига ишқаки ўз вақтида бериб турилсин; МТС тракторчилари иссиқ овқат билан та'минлансин».

Бу тадбирлар шубҳасиз меҳнат унумини оширишга, ғўза парваришини ва бошқа қишлоқ хўжалик ишларини агротехника қоидалари асосида юқори сифатли ўтказишга ёрдам беради, колхозчиларни, совхоз ишчилари ва тракторчиларни белгиланган иш нормаларини тўла ва ошириб бажариш учун курашга сафарбар этади. Областимизнинг кўпгина илғор колхоз, совхоз, МТС ва районлари колхозчиларга, совхоз ишчилари ва тракторчиларга маданий-маиший хизматни яхшилаш, уларнинг намунали ишлаши учун зарур шароитларни яратиб бериш йўли блан меҳнат унумини оширишга эришмоқдалар.

Сирдар'ё район партия, совет ташкилотлари ва қишлоқ хўжалик органлари колхозларнинг ишлабчиқариш планлари ва кирим-чиқим сметаларини қайтадан пухта тузиб чиқиш орқали ишлабчиқариш харажатларини камайтириш йўли блан бўлинмас фонд маблағини кўпайтириш, меҳнат кунларининг қийматини ошириш учун катта резервлар борлигини аниқладилар, колхозчиларга пул ва натура аванслирини ўз вақтида бериб туришни тартибга солдилар, дала ишларида банд бўлган колхозчиларга маданий-маиший хизматни яхшилаш юзасидан конкрет тадбирлар белгиладилар.

Бутуниттифоқ қишлоқ хўжалик виставкасига кандидат бўлган Охунбобоев номли колхозда пахтакорларнинг юқори унумли ишлашига ёрдам берадиган зарур маиший шароит яратиб берилган. Ҳамма бригадаларнинг дала шийпонларида колхозчилар учун иссиқ овқат ташкил этилган. Ошпазлардан Р. Ғаниева, А. Маматқулов ва А. Соатов ўртоқлар колхозчилар ўртасида катта ҳурматга сазовор бўлмоқдалар. Улар колхозчи ва механизаторларнинг талабларини ҳисобга олиб, ширин ва мазали овқатлар тайёрламоқдалар. Зарур бўлганда ошпазлар овқатни пахтакорлар ишлаб турган жойга етказиб берадилар. Ҳарбир бригаданинг ўз ошхонаси, озиқ-овқат сақлайдиган жойлари, етарлик идиш-товоқлари бор. Дала шийпонларида турли темаларда ҳархил суҳбатлар, лекциялар ўтказиб турилади, колхозчиларга баланд овоз блан газеталар ўқиб берилади, кўчма кино ва бадиий ҳаваскорлик тўгаракларининг концертлари уюштирилади. Колхозчиларга маданий-маиший хизматнинг яхши ташкил этилганлиги меҳнат унумини оширишга ёрдам бермоқда. Чигит экишни областьда биринчи бўлиб тамомлаган бу колхознинг а'золари ғўза парваришида ҳам олдинги сафда бормоқдалар.

Лекин ҳамма жойда ҳам колхозчиларга, совхоз ишчилари ва тракторчиларга маданий-маиший хизмат кўрсатиш яхши уюштирилган деб бўлмайди. Шу кунларда областимизнинг колхоз ва совхозларида, машина-трактор станцияларида социалистик мажбуриятнинг қандай бажарилаётганлигини текшираётган ўзаро текшириш бригадаларининг а'золари бу соҳада ишимизда жуда катта камчиликлар борлигини қайд қилмоқдалар. Улар ғўза қатор ораларини ишлашда юз бераётган хато ва камчиликларни кўрсатиш блан бирга, маданий-маиший хизматни яхшилаш, пул ва натура аванслирини ўз вақтида бериб туриш ҳамда меҳнатни тўғри уюштиришдаги камчиликларни ҳам очиб ташлямоқдалар. Ўртасарой районидаги Ленин номли, Свердлов номли, Чиноз районидаги Будённий номли, Сталин номли колхозларда, Янгийўл район 2-нчи МТС зонасидаги кўпчилик колхозларда, Ўртачирчиқ районидаги Куйбишев номли, Ильич номли, Энгельс номли ва Андреев номли колхозларда колхозчиларга маданий-маиший хизмат кўрсатиш ишлари яхши уюштирилмаган. Бу колхозларнинг кўпгина бригадаларида дала шийпонлари қурилмаган, иссиқ овқат ташкил этилмаган, ясли ва боқчалар етарли эмас. Ўртачирчиқ районидаги Каганович номли колхоз правленеси (раиси Власов, партия ташкилотининг секретари Калонов ўртоқлар) колхозчиларга пул ва натура аванслирини ўз вақтида бериб туриш, далада иссиқ овқат ташкил қилиш, болалар боқчалари ва яслиларининг ишини яхши йўлга қўйишга э'тиборсизлик блан қарамоқда. Шунинг учун ҳам бу колхозда меҳнат унуми жуда паст, ғўза парвариши сust бораётир.

Шуни унутмаслик керакки, колхозчиларга, совхоз ишчилари ва тракторчиларга маданий-маиший хизматни яхшилаш, уларни рағбатлантириб туриш, пул ва натура аванслари бериб боришни тартибга солиш — меҳнат унумини оширишнинг, ишга яроқли барча кишиларни дала ишларига тўла жалб қилишнинг энг муҳим ва асосий шартидир. Пахтадан ва бошқа қишлоқ хўжалик экиниларидан юқори ҳосил етиштириш соҳасидаги вазифаларни муваффақиятли амалга ошириш даставвал колхозчилар, совхоз ишчилари ва тракторчиларнинг унумли ишлаши учун барча шароитларни яратиб беришга, меҳнатни тўғри уюштиришга боғлиқдир. Шунинг учун маҳаллий партия, совет ташкилотлари, қишлоқ хўжалик органлари, колхоз, совхоз ва МТС раҳбарлари Ўзбекистон ССР Министрлар Совети ва Ўзбекистон КП Марказий Комитетининг қарорида белгиланган тадбирларни тўла амалга оширишлари, ғўза парваришининг ҳозирги мас'улиятли даврида дала ишларига қатнашаётган кишиларнинг юқори унум блан меҳнат қилишлари учун зарур шароитларни яратиб беришлари керак. Дала шийпонларини оммавий-агитация ишларининг ҳақиқий марказига айлантириш, колхозчилар, совхоз ишчилари ва механизаторлар ўртасида оммавий-сиёсий ва маданий-оқартув ишларини кучайтириш, агитбригадалар, кўчма кинолар, концерт бригадалари тузиш йўли блан маданий-маиший хизматни янада яхшилашга эришиш — ҳозирги кундаги энг муҳим вазифаларнинг биридир. Пахтадан ва бошқа қишлоқ хўжалик экиниларидан мўл ҳосил етиштириш учун фидокорона меҳнат қилаётган колхозчиларни, совхоз ишчиларни ва механизаторларни ўз вақтида кенг исте'мол моллари ва озиқ-овқат маҳсулотлари блан та'минлаб туриш — матлубот кооперацияси ходимларининг шарафли бурчидир.

Қишлоқ хўжалик меҳнаткашларига маданий-маиший хизматни тобора яхшилайлик, уларнинг унумли ва фидокорона меҳнат қилишлари учун зарур бўлган барча шароитларни яратиб берайлик!

ОБЛАСТЬ КОЛХОЗЛАРИДА ҒЎЗА ПАРВАРИШИНИНГ БОРИШИ ТЎҒРИСИДА 1954 ЙИЛ 10 МАЙГАЧА БЎЛГАН

МА'ЛУМОТ

(процент ҳисоби блан)

Районларнинг номи	Яганалаш	Биринчи культивация	Биринчи чопиқ
Оққўрғон	53,5	58,2	26,0
Оҳангарон	9,0	11,3	4,3
Бекобод	15,4	30,2	15,1
Бўка	25,3	24,2	13,2
Верхне-волинск	21,3	34,1	22,8
Юқоричирчиқ	2,0	43,3	27,6
Гулистон	22,7	45,8	20,0
Калинин	23,0	75,0	26,0
Мирзачўл	22,7	44,9	16,1
Октябрь	6,3	43,5	23,0
Оржоникидзе	12,4	94,2	42,5
Паркент	—	1,7	0,3
Пискент	15,0	21,0	10,8
Ўртачирчиқ	9,0	48,3	11,7
Сирдар'ё	19,5	59,7	36,9
Ўртасарой	15,1	42,5	25,5
Ховос	10,1	12,0	11,0
Чиноз	34,6	70,4	32,0
Янгийўл	11,6	52,9	31,8

Т. Г. Шевченко номидаги Киев опера ва балет театри СССР Большой театри саҳнасида „Богдан Хмельницкий“ операсини кўрсатди

10 майда Т. Г. Шевченко номидаги Киев Давлат Академик опера ва балет театри СССР Большой театри саҳнасида «Богдан Хмельницкий» операсини кўрсатди (К. Данькевич музикаси, В. Василевская ва А. Корнейчук либреттоси). Театр коллективи бу операни шонли кунга — Украинанинг Россия блан қайта қўшилишининг 300 йиллигига тайёрлади.

Ёрқин, қаҳрамонона спектакль украина халқининг ўз мустақиллиги учун, қардош рус халқи блан қайта қўшилиш учун олиб борган кураши тарихининг ҳаяжонли саҳифасини очиб беради.

Композитор Данькевичнинг реалистик ва мазмун жиҳатидан бой бўлган музикаси, чинакам халқ музикасидир. Унда украин ва рус халқ қўшиқларининг ажойиб мелодиясидан кенг фойдаланилган.

СССР халқ артисти М. Грицко асосий рольни — Богдан Хмельницкий ролини моҳирлик блан ижро этди. У отоқли давлат арбоби ва саркарданинг ёрқин образини яратиб берди.

СССР халқ артисти Б. Гмиря халқ қаҳрамони — Максим Кривонос ролида юксак вокаль маданиятини ва артистлик маҳоратини кўрсатди.

Украина ССР да хизмат кўрсатган артист В. Матвеев Улуғ Русь элчисининг олижаноб образини яратди.

Украина ССР да хизмат кўрсатган артистка Н. Гончаренко Варвара ролини сидқидил блан ижро этди. Украина ССР халқ артисти В. Боришченко Украинанинг мустақиллиги учун жасур курашчи Богунинг ашуласини усталик блан айтиб, тамошабинларни қойил қилди. Украина ССРда хизмат кўрсатган артистка Л. Руденко Соломия ролини моҳирлик блан ижро этди. Украина ССР халқ артисти М. Роменский (дьяк Гаврила ролида) зўр муваффақият қозонди.

Гелена ролини ижро этган Украина ССРда хизмат кўрсатган артистка Л. Лобанова — Рогачёва яхши овоза ва артистлик қобилиятига эгадир. Лизогуб ролини С. Коган юксак даражада ижро этди.

Украина ССР халқ артисти Н. Частий шафқатсиз ва такаббур поляк гетмани Потоцкий образини яратди. Ватан учун ўз жонини фидо қилган халқ қаҳрамони кекса казак Тура ролини Украина ССРда хизмат кўрсатган артист П. Гайчук яхши ижро этди.

Украина ССРда хизмат кўрсатган артист Н. Шостак, артистлардан Д. Гнатюк, Я. Отрошенко, И. Клякун, А. Охримович, А. Гродзинский, С. Ивашченко, Ю. Кравченко, Т. Феоктистов, В. Бабенко, К. Цепернюк, В. Парицкий спектаклда зўр муваффақият қозондилар.

СССР халқ артисти М. Крушельницкий ва Украина ССР халқ артисти В. Пирадов опера постановкасини моҳирлик блан амалга оширдилар.

Дирижёр — Украина ССР халқ артисти Н. Покровский спектакльни бадиий жиҳатдан юксак даражада ўтказди.

СССР халқ рассоми А. Петрицкий томонидан саҳнанинг ёрқин ва чиройлик қилиб безатилиши тамошабинларни қойил қилди. Киев опера театрининг хори (бош хормейстер В. Колесник) ва оркестри жуда яхши жўр қилди.

Катта муваффақият блан ўтган бу спектакльда Г. М. Маленков, Н. С. Хрушчев, Н. А. Булганин, Л. М. Каганович, А. И. Микоян, М. Г. Первухин, М. А. Суслов, П. Н. Поспелов, Н. Н. Шаталин ўртоқлар ҳозир бўлдилар. (ТАСС).

Украинанинг Россия блан қайта қўшилишининг 300 йиллигига бағишланган илмий конференция

Яқинда Белинский номидаги Тошкент кечки педагогика институтида Украинанинг Россия блан қайта қўшилганига 300 йил тўлиши муносабати блан илмий конференция бўлиб ўтди. Конференцияга институт профессорлари, ўқитучилари ва илмий ходимлари қатнашдилар.

Конференцияда старший ўқитучи ўртоқ Н. Гуломов «Украинанинг Россия блан қайта қўшилишининг 300 йиллиги ва унинг тарихий аҳамияти», тарих фанлари кандидати М. Шек «Ўрта Осиёнинг Россияга қўшилишининг прогрессив аҳамияти», доцент Абдуллаев «Совет Ўзбекистони — социализмнинг шарқдаги маш'али», ўқитучи ўртоқ Ибодов «СССР халқларининг дўстлиги — улуғ Ватанимиз куч ва қудратининг манбаидир», тарих фанлари-кандидати А. Фитерман «Ўрта Осиёнинг Россияга қўшилишининг тарихий шароитлари тўғрисидаги масалага доир», ўртоқ И. Сиркина «Тарас Шевченко — украин халқининг буюк шоири» деган темаларда, шунингдек ўртоқ Э. Бобоев Н. Рибакнинг «Переяслав радаси» номли асари ҳақида доклад қилдилар.

Институтнинг СССР тарихи кафедраси Украинанинг Россия блан қайта қўшилишининг 300 йиллигига бағишлаб виставка ташкил қилди, конференцияга бағишлаб деворий газеталар чиқарилди.

СССР тарихи кафедраси Украинанинг Россия блан қайта қўшилишининг 300 йиллигига бағишланган студентлар конференцияси ўтказишга ҳам қизғин тайёргарлик кўрмоқда.

Н. АГЕЕВА.

Алишер Навоий номли кутубхонада вистава

Алишер Навоий номидаги халқ кутубхонасида Украинанинг Россия блан қайта қўшилганининг 300 йиллигига бағишланган катта виставка ташкил қилинди. Виставкада қўйилган этюд ва экспонатларда украин халқининг босиб ўтган узоқ тарихий кураш йўли ёрқин ифодаланган. Украинанинг XVI — XVII асрлар давомида поляк панлари, турк ва татар хонликлари томонидан аёвсиз талонланганлиги реалистик расмлар блан кўрсатилган.

Машҳур рассом М. И. Хмелко ишлаган «Переяслав радаси» расми юксак бадиийлиги блан тамошабинлар диққатини ўзига кўпроқ жалб қилмоқда. Унда, бундан 300 йил муқаддам Переяслав шаҳридаги катта майдонда поляк шляхталари асоратидан озод қилинган, Украинанинг ҳар чеккасидан келган турли табақа вакилининг тўпланиб, ҳаммалари бир овоздан «Украина Россия блан қўшилсин, токи ҳаммамиз абадий бирга бўлайлик!» деб турганлари жуда жонли тасвирланган.

Ҳозирги пайтда барқ уриб юксалаётган янги социалистик Украинага виставкада катта ўрин берилган.

Улуғ Ватан уруши даврида фашистлар вайрон қилган Харьков, Донбасс, Киев, Сталино каби шаҳарлар тезда тикланиб, аввалгисидан ҳам гўзал, бой саноат ва маданият шаҳрига айланганлиги қизиқтирарли кўргазмаларда ифодаланган.

Украинанинг социалистик саноати, қишлоқ хўжалиги ва маданияти тараққиётини кўрсатучи диаграммаларни кўрган ҳарбир совет киши мамлакатимиз қудратининг битмас-туганмаслигидан фахфланади. Украина саноати 1913 йилдагига нисбатан 1952 йилда 17 марта ўсди. Қишлоқ хўжалигида эса, мисли кўрилмаган ютуқларга эришилди. Украина колхоз далаларида 1940 йилга нисбатан ҳозир 68 процент кўп трактор, 63 процент кўп комбайн ишламоқда.

Виставкани кўрган тамошабинлар украин халқининг иқтисодий ва маданий-маиший аҳволи кун сайин гуркираб ўсаётганлигини тўла тасаввур қилаоладилар.

З. ИСРОИЛОВ.

Область партия комитетида

Ўртачирчиқ районида ғўзанинг қониқарсиз парвариш қилинаётганлиги тўғрисида

Янгийўл районидан келган ўзаро текшириш бригадаси Ўртачирчиқ районидаги кўпгина колхозларда чигитни тўла ундириб олиш учун зарур даражада кураш олиб борилмаётганлигини, бунинг оқибатида кўпгина далаларда ғўзаларнинг сийракланиб қолганлигини аниқлади.

Ғўзани яганалаш, қатор ораларини юмшатиш ва чопиқ ишлари ғоятда сust бораётганлиги учун, бўлиб ўтган ёғинларидан кейин бирмунча пахта майдонларида қатқалоқ ҳосил бўлган.

Каганович номли, Куйбишев номли, Ильич номли, Андреев номли, Ленин номли ва Карл Маркс номли колхозларда чигитни тўла ундириб олиш ва қатор ораларини ишлаш айниқса ёмон аҳволда бораётир. Бу колхозларда 4 минг гектар ерга экилган чигитнинг 50 процентни ундирилиб олинган, холос.

Ўртачирчиқ районидаги колхозларда ишлов беришнинг қониқарсиз бораётганлигига сабаб шуки, район партия комитети ва унинг секретарьлари Бердиев, Пягай, район ижроия комитети ва унинг раиси Кусаев ўртоқлар, шунингдек кўпгина колхозларнинг партия ташкилотлари ва правлениелари ташкилотчилик ишини мақсадга мувофиқ тарзда олиб бормаётирлар. Колхозчилар оммаси ўртасида сиёсий кўтаринкиликни та'мин этмаётирлар ва пахтадан мўл ҳосил етиштириш юзасидан 1954 йилда район олдида турган иқтидий вазифаларни бажаришга колхозчиларни, МТС ишчиларини сафарбар қилмаётирлар.

Область партия комитети, район партия комитетининг МТС зоналари бўйича секретарьлари Исломов ва Ғаффоров ўртоқларнинг ғўзани парвариш қилишда юз бераётган жиддий камчиликларни кўриб турганлари ҳолда бу кескин аҳволни тузатиш, қатор ораларини ишлашни ўз вақтида қизитиб юбориш ва чигитни тўла ундириб олиш тадбирларини кўрмаётганликларини та'кидлади.

Ўртачирчиқ район партия комитетига (ўртоқ Бердиевга) ва район ижроия комитетига (ўртоқ Кусаевга) ғўза қатор ораларини ишлаш ҳамда чигитни тўла ундириб олишда юз берган ҳозирги жиддий аҳволни тезда тузатиш мажбурияти юклатилди.

Район партия комитетининг МТС зоналари бўйича секретарьлари Исломов ва Ғаффоров ўртоқларнинг э'тибори, уларнинг «Чигит экишни тугаллаш, чигитни тўла ундириб олиш ва ғўза қатор ораларини ишлашни кучайтириб юбориш тадбирлари тўғрисида»ги область партия комитетининг қарорини бажаришга жиддий муносабатда бўлмаганликларига жалб этилди. Улардан, ғўзани парвариш қилишда йўл қўйилаётган хатоларни тезда тузатиш, ғўза қатор ораларини ишлашда колхозчилар ва МТС ишчиларининг меҳнат унумини оширишни та'миналаш ва 15 майдан кечикмай барча майдонларга экилган чигитни тўла ундириб олиш қат'ий талаб қилинди.

Каганович номли, Куйбишев номли, Ильич номли, Андреев номли, Ленин номли ва Карл Маркс номли колхозларнинг бошланғич партия ташкилотлари ва правлениеларига ғўза қатор ораларини ишлаш, барча майдондаги чигитни тўла ундириб олишни та'миналаш ҳамда колхозчилар ва трактор парки иши устидан қаттиқ назорат ўрнатиш мажбурияти юклатилди.

Область қишлоқ хўжалик бошқармасига (ўртоқ Молчановга), МТС директорлари Пак ва ЦойИнгук ўртоқларга ғўза қатор ораларини ишлашда трактор парки ишида содир бўлаётган жиддий камчиликларни тезда бартараф қилиш, трактор паркининг узлуксиз ишлашини та'миналаб, ҳарбир тракторда кунлик иш нормаларини бажаришга ва ошириб бажаришга эришиш мажбурияти юклатилди.

Ўртачирчиқ район партия комитетига, МТС ва колхозларнинг бошланғич партия ташкилотларига колхозчилар ҳамда МТС ишчилари ўртасида олиб бориладиган оммавий-сиёсий ишларни бевосита дала шийпонларида уюштириш ва уни ҳартарафлама кучайтириш, ғўзани парвариш қилиш юзасидан белгиланган топшириқларни бажариш ва ошириб бажариш учун социалистик мусобақани кучайтириш ҳамда бу ишга район партия активини ва район партия комитети а'золарини жалб қилиш мажбурияти юклатилди.

Беш ойлик план муддатидан илгари бажарилди

ЯНГИЙЎЛ. 10-нчи вино заводи шаҳардаги ёш саноат корхоналаридан биридир. Ҳозирги замон механизмлари блан ускуналанган бу корхона ишлабчиқариш планини ой сайин ошириб бажармоқда. Завод ишлаб чиқараётган хилма-хил ва юқори сифатли хушбўй винолар харидорлар томонидан юқори баҳо олмоқда.

Ҳозир завод «Белое столовое», «Таквори», «Саперави», «Бухарское», «Вермут», «Юмалоқ», «Портвейн» ва бошқа хил винолар ишлаб чиқармоқда. Шу йилнинг бошида завод янги хил маҳсулот — оқ ва қизил «Вермут» виноси ишлаб чиқаришни ўзлаштирди.

Завод коллективи бу йил ишлабчиқаришда катта ютуқларни қўлга киритмоқда. Меҳнат унумини 9 процент ошириш ва маҳсулот таннархини камайтириш натижасида биринчи кварталда пландан ташқари 1 миллион сўмлик маҳсулот ишлаб чиқарилди. Завод ишчилари москвалилар ташаббусига қўшилиб, социалистик мусобақа асосида ишлаб, беш ойлик планни шаҳарда биринчи бўлиб муддатидан 27 кун илгари бажарди. Ҳозир июнь ойи ҳисобига юзларча декалитр вино ишлаб чиқарилди. Корхонанинг бу муваффақиятларга эришишида қуювчи М. Карамушко, сортларга ажратучи Қ. Асроқулов, фильтрловчи М. Менжулина ва Ғ. Ҳасановларнинг ҳиссаси каттадир. Бу ўртоқлар ишлабчиқаришда ҳардоим илғорлик намуналарини кўрсатиб келмоқда.

Завод коллективи қўлга киритилган муваффақиятларни мустаҳкамлаб, биринчи ярим йиллик топшириқни муддатидан илгари бажариш учун астойдил меҳнат қилмоқда.

Т. НИШОНБОЕВ.

Ёқилғини тежаш учун мусобақа

Тошкент тепловоз депосининг машинисти ўртоқ Султонов оғир вазнли икки поездни Тошкентдан Сирдар'ёга ва ундан яна Тошкентга ҳайдаб келиб, техника теслигини 1 соат-у, 15 минут оширди. Шу рейс давомида 200 килограмм ёнилғи тежалди.

Машинистлардан Чернишев, Эрматов, Воронов ва бошқа ўртоқларнинг локомотив бригадалари ёнилғини кўплаб тежаш учун бошланган мусобақада юқори кўрсаткичларга эришдилар. Оғир вазнли поездларни тез ҳайдаш ва тепловозларнинг оборот вақтини қисқартириш ҳисобига бу йил депода Тошкентдан Арисгача 100 та поездни ҳайдаш учун етарли миқдорда ёнилғи тежалди (ЎзТАГ).

ДАЛА ИШЛАРИ КУНДАЛИГИ

Яганани тез ва юқори сифатли ўтказайлик

Илғор совет агробиология фани кўрсатмалари ва илғор пахтакорлар тажрибаси ғўзаларни ёш вақтида ягана қилиш ҳосилни оширишда катта ўрин тутишини кўрсатмоқда. Юқори ҳосил усталари ана шу кўрсатмаларга амал қилиб, ҳар йили ўз майдонларида чигитни бир текис ундириб олиш блан дарҳол ғўза яганасига киришадилар. Улар ғўзаларни сифатли ягана қилиб экиннинг яхши ривожланишига имконият яратиб берадилар. Оржоникидзе районидаги Пушкин номли, Сталин номли, Чиноз районидаги Ленин номли, Сирдар'ё районидаги Охунбобоев номли, «Ҳақиқат» колхозларининг а'золари ва Бекобод районидаги 1-нчи «Далварзин» совхозининг пахтакорлари ҳар йили ғўза яганасини ўз вақтида ўтказаётганликлари учун ғўзаларнинг тез ва бақувват бўлиб ривожланишига эришмоқдалар.

Шу кунларда колхоз ва совхозларнинг пахта далаларида ғўзалар биртекисда ўсмоқда. Худди шу пайтда уларни ягана қилиш энг асосий иш ҳисобланади. Яганани тажрибали колхозчилар ва совхоз ишчилари ўтказиши лозим. Яганада ишлаётган кишилар ўлчов чўпларига эга бўлишлари, ҳарбир гектар ерда белгиланган миқдорда ғўза кўчатини та'миналаш учун белгиланган даражада ғўза туплари қолдиришлари лозим. Ягана ўтказилган вақтида энг яхши ғўзалар танлаб қолдирилиши зарур.

Лекин, областимиздаги кўпгина районларда мўл ҳосил етиштиришнинг асосий шартларидан бири бўлган ғўза яганасига етарли э'тибор берилмаётир. Ўртачирчиқ районидаги кўпгина колхозларда чигитни ундириб олиш ёмон аҳволда бўлгани каби ғўзалари бирмунча ўсиб қолган пайкалларда уни ягана қилишга етарли э'тибор берилмаётир. Бу соҳада МТС-лар паркидаги механизация воситаларидан ва ички имкониятлардан етарлича фойдаланилмаётир. Ильич номли, Куйбишев номли, Карл Маркс номли, Ленин номли колхозларда ғўзалар яганадан қолиб, уларнинг ривожланиши кечикмоқда. Шу блан бирга бу колхозларда ғўза чопиғи ва культивация қилиш ишлари графикда кўрсатилганидан анча кам миқдорда бажарилмоқда. Колхозларнинг раҳбарлари ва агрономлар яганани тез ва сифатли ўтказишга э'тибор бермаётирлар.

Янгийўл, Юқоричирчиқ, Октябрь, Пискент районларида ҳам ғўзаларни ягана қилиш айниқса қониқарсиз аҳволда бораётир. Бу районлардаги партия ва совет ташкилотларининг раҳбарлари вақт ўтиб кетаётганига қарамай, асосий кучни ғўза яганасига жалб этмаётирлар. Шундай фактларни ҳам учратиш мумкинки, ба'зибир колхозларда ягана мустақил иш сифатида ўтказилмаётир. Чопиқ қилаётган колхозчилар бирйўла ягана ҳам қилмоқдалар. Бунинг орқасида қатор ораларининг кенглиги бузилмоқда.

10 майгача бўлган ма'лумотга қараганда областимиз колхозларида ғўзаларни ягана қилиш атиги 19 процент бажарилган. Колхозларнинг асосий майдонларида чигит биртекис унib чиққанига, айрим пайкалларда эса ғўзалар бирмунча ўсиб қолганига қарамай, ягана қилиш топширигга мутлақо қониқарсиз бажарилмоқда. Сўнгги кунларда ҳаво анча исиб, ерни нормал қиздирмоқда. Шундай бўлгач, етарли миқдорда ўғит солинган ерлардаги ғўзалар тез ривожланаётир. Агар ғўза яганаси ўз вақтида ўтказилмаса, кузги шудгор вақтида солинган минераль ўғитнинг кўп қисми эрта-кидин ягана қилиб ташланадиган ғўза туплариga сарф бўлиб кетиши, асосий ҳосил берадиган ғўзалар эса ривожланишдан орқада қолиши мумкин.

МТСларнинг колхозлардаги давлат агрономлари олдида жуда муҳим вазифа турипти. Улар пахтакорлар ўртасида бўлиб, ғўза яганаси мўл ҳосил етиштиришда асосий шартлардан бири эканлигини кенг ва тўла тушунтиришлари, ягана қилиш устидан доимий назорат ўрнатиб, бу соҳада агротехника қоидасининг бузилишига мутлақо йўл қўймасликлари керак. Шу блан бирга улар колхозчиларга ягана қилиш қондалари тўғрисида суҳбатлар ўтказишлари, лекциялар ташкил этишлари лозим.

Партия ва ҳукуматимиз пахтачиликда энг кўп куч талаб қиладиган ғўза яганасини механизация асосида ўтказиш учун барча тадбирларни амалга оширмоқдалар. Ҳозирги пайтда университетларга ўрнатилган махсус асбоблар блан ғўзаларни кенг кўламда ягана қилиш учун етарли даражада кучга эгамиз. Яганада механизациядан дадиллик блан фойдаланиш, асосий ишчи кучларини ғўзанинг бошқа парваришига жалб этишга катта ёрдам беради. Броқ кўп колхозларда бу ишга етарли аҳамият берилмаётир. Янгийўл районидан келган ўзаро текшириш бригадаси Ўртачирчиқ районидаги Ленин номли, Карл Маркс номли колхозларда ғўзаларни механизация кучи блан ягана қилишга шу вақтгача киришилмаганлигини аниқладилар. Янгийўллилар ўз мусобақадошларига бу соҳада маслаҳатлар бериб, ғўзаларни механизация кучи блан ягана қилишнинг афзаллиги тўғрисида сўзлаб бердилар. Броқ, юқорида номи ёзилган колхозларда ғўза яганаси ҳамон кечикаётир.

Социалистик мажбуриятнинг қандай бажарилаётганлигини текшириб юрган мусобақадошлар ғўза яганасининг ҳартарафлама кучайтириб юборилишига ва бу ишни қисқа вақт ичида тамомланишига, ўзлари текшираётган колхозлар, совхозлар раҳбарларининг э'тиборини бу муҳим ишга қаратишлари керак. Ҳарбир далада ва ҳарбир қаторда белгиланган миқдорда ғўза кўчати бўлишни та'мин этиш ягананинг белгиланган вақтда ўтказилишига боғлиқдир. Ўзаро текшириш вақтида бирор колхоз ёки совхозда ягана қилиш қондалари бузилаётганлиги ва бу иш қасдан кечиктирилаётганлиги аниқлангундай бўлса, ўша ернинг ўзида дарҳол тегишли чора кўрилиши лозим.

Областимиз колхозлари бу йил мамлакатга ўтган йилдагига нисбатан кўп ва юқори сифатли пахта етказиб бериш мажбуриятини олганлар. Ана шу мажбуриятни шараф блан бажариш учун ҳозирги кунларда астойдил меҳнат қилиш — биринчи навбатда ғўза яганасини тез ва юқори сифатли ўтказиш керак. Ғўзаларимиз бақувват ва яйраб ўсгандагина уларда мўл ҳосил етишади ва пахта эрта муддатлида пишади.

Илғор пахтакорлар тажрибасига амал қилиб, ғўзаларни сифатли чопиқ ва культивация қилайлик. Ҳарбир гектар ерда белгиланган миқдорда ғўза туплари бўлишига эришайлик.

Металлурглар шаҳрида

Бекобод шаҳрининг шарқи-шимолий томонида, Фарҳод тоғининг этакларида яшил дарахтзорлар ва боғ-хиёбонлар орасидан кўпқаватли, кўркам бинолар оқариб кўринади. Тоғ этакларидан Сирдар'ё бўйлаб бирнеча километрга чўзилган кенг территориядаги бу гўзал ва обод манзил—Ўзбекистон металлургия заводининг ишчилар шаҳарчасидир. Бу ерга биринчи марта келган киши шаҳарчанинг асфальт ётқизилган ва тош терилган кенг кўчаларини, план асосида ёнма-ён қурилган ва архитектура жиҳатидан яхши безатилган кўпқаватли биноларни, соя-салқинли азим дарахтларни кўриб, бу шаҳар бирнеча ўн йиллар давомида бун'ёдга келган бўлса керак деб ўйлайди. Аслда эса, бундай эмас. Шаҳарча Улуғ Ватан уруши йилларида ва ундан кейинги тинч қурилиш йилларида қад кўтарди.

Шаҳарча ўрни бундан ўн-ўнбеш йиллар илгари харсанг тошлар уюлиб ётган, баҳор-ёз ойларида колхоз чорваси ўтлаб юрадиган кўримсиз жой эди. Партия, ҳукуматимизнинг катта ёрдами ва халқ хўжалигини янада ривожлантириш ҳақидаги ленинча меҳрибончилиги туфайли бу ерда гигант корхона қурилди. Ундан узоқ бўлмаган жойда ўжар Сирдар'ё жиловланиб, Фарҳод ГЭСнинг бош тўғони қад кўтарди. Металлургия заводи қурилиши блан, корхона ишчилари, инженер-техник ходимлари ва бошқа ёрдамчи хўжаликларда ишловчи хизматчилар учун янги уй-жойлар, жамоат бинолари қурилабошланди. Ишчилар шаҳарчаси йил сайин кенгайиб, гўзаллашиб борди. Унинг бир қуснига ўн қуси қўшилиб, энг обод жойга айланди.

Шаҳарчанинг Сталин, Ўзбекистон, Сирдар'ё, Қўқон ва бошқа кенг кўчалари бўйлаб юрган киши бири-бирдан чиройлик биноларга дуч келади. Узоқ участкаларда ҳали қурилиб тамомланмаган биноларда қизғин иш бораётганлигини кўради. Икки қаватли ошхона, касалхона, амбулатория, аптека, кино-театр шаҳарнинг энг гўзал биноларидан ҳисобланади. Бундан ташқари, металлургларга фарзандлари учун 2 та ўрта мактаб, ясли ва боғча бинолар қурилган. 2 та маданият ва истироҳат парки, ўндан ортиқ озиқ-овқат ва саноат моллари магазинлари меҳнаткашларга яхши хизмат кўрсатиб келмоқда.

Шаҳарда қурилиш ишлари йилдан-йил кенг кўламда олиб борилмоқда. Ўтган йили 1500 квадрат метр ҳажмдаги янги уй-жойлар қурилиб фойдаланишга берилди. Эски бинолар қаторида 2 та 18 квартирали, 2 та 14 квартирали янги бинолар қад кўтарди. Бундан ташқари 7 та икки қаватли ва кўпхонали жамоат бинолари қурилиб, фойдаланишга топширилди. Ҳар янги бино аниқ план асосида, архитектура жиҳатдан яхши безатилиб қурилмоқда. Кўпқаватли биноларнинг остки қаватларида озиқ-овқат дўконлари ва бошқа маданий-маиший хизматлар учун алоҳида хоналар ажратилмоқда. Сталин кўчасида қурилган 14 квартирали янги бинонинг пастки биринчи қаватида озиқ-овқат ва саноат моллари магазинлари очилган. Бошқа кўпқаватли биноларнинг биринчи қаватларида ҳам аптека, архитарошхоналарга жой ажратилган.

Қурилиш бошқармаси (бошлиғи ўртоқ Носиров)нинг коллективи қурилиш ишларини тобора кучайтирмоқда. Бу йил шаҳарда 1200 квадрат метр ҳажмдаги янги бинолар қурилади. Металлургларга учун Маданият саройи қурилмоқда. Қурувчилар ишчи-хизматчилар учун уй-жойлар ва маданий-оқартув муассасалари учун янги иморатларни кўрсатилган муддатда қуриб, фойдаланишга топшириш учун фидокорона меҳнат қилмоқдалар. Қурувчилардан—бетончи Ф. Смоглов, Мавлонов, ғишт теруви Ершов, тупроқ қазувчи М. Шокиров, Е. Мирров ва бошқа ўртоқлар қурилиш ишларида ҳаммага намуна кўрсатиб ишламоқдалар. Улар қурилиш бўйича белгиланган кундалик ва ойлик топшириқларни 150—200 процент бажариб келмоқдалар. Бу илғор қурувчиларнинг иш тажрибаси бошқа участкалардаги қурилиш коллективларига ҳам ёйилмоқда.

Шаҳар ва паркларни кўкламзорлаштиришга ҳам катта э'тибор берилмоқда. Ҳар йили кўча беткаларига, майдон ва ҳовлиларга бирнеча ўн минг туплаб манзарали ва мева дарахтларининг кўчатлари ўтқазилмоқда. 1953 йилда шаҳар бағларида ва кўчаларида 20 минг тупдан ортиқ турли дарахт кўчатлари ўтқазилди. Бу йил эса дарахт кўчатларини ўтқазиш ўтган йилдагига нисбатан бир ярим баравар ошди. Меҳнаткашлар шаҳарни кўкламзорлаштириш ва обод қилиш учун жамоат ташкилотларига яқиндан ёрдам бериб келмоқдалар.

Металлургларга шаҳри областимизнинг энг гўзал жойларидан бирига айланмоқда. Республикамизнинг фахри бўлган металлургия заводининг ватанпарвар коллективи учун муносиб турар жойлар ва жамоат бинолари қурилмоқда. Шаҳар йил сайин кенг қулоч ёзиб, обод бўлиб бормоқда. Унинг йилдан-йилга гўзаллашиши, обод бўлиши партиямиз ва ҳукуматимизнинг халқ фаровонлиги тўғрисидаги ғамхўрлигининг ёрқин намунасидир.

Н. ЭГАМНАЗАРОВ.



«Электрокабель» заводининг илғор ишчиси Раҳим Орипов меҳнат унумини оширишда яхши натижаларга эришмоқда. У кундалик топшириқни 170 процент бажариб, а'ло сифатли маҳсулот ишлаб чиқармоқда. **Суратда:** Ўртоқ Орипов иш устида.

А. Аверьянов фотоси.

«ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ» МАТЕРИАЛЛАРИ ИЗИДАН

„Ҳаркуни ҳархил"

«Тошкент ҳақиқати» газетасининг шу йил 28 март сонида юқоридаги сарлавҳа остида материал босилиб, унда пойтахтимиз кўчаларидаги электр соатлар ҳархил юриб, аҳолини чалғитиши кўрсатилган эди.

Меҳнаткашлар депутатлари Тошкент шаҳар Совети ижроия комитети раисининг ўринбосари Ўртоқ Коваленко унинг редакциямизга хабар қилишича, газетада кўрсатилган камчиликларни тузатиш учун амалий тадбирлар белгиланган. Шаҳар ижроия комитети электр соатларни бир ме'ёрда ишлашини та'минлаш учун «Часофикация» артели блан шартнома тузган. Соатларни қараб бориш ва тўғрилаш учун махсус механик ажратилган. Май ойида электр соатлар капитал ремонт қилинади.

„Партия маорифига аҳамият берилмаётир"

«Тошкент ҳақиқати» газетасининг шу йил 20 март сонида юқоридаги сарлавҳа остида материал босилиб, унда Пискент районида партия маорифи ишига э'тибор берилмаётганлиги танқид қилинган эди.

Ўзбекистон КП Пискент район комитетининг секретари Ўртоқ Креповнинг редакциямизга ма'лум қилишича, мақола район партия комитетининг бюро мажлисида муҳокама қилиниб, газетада кўрсатилган фактлар тасдиқланган. Машғулотларга коммунистларнинг давоматини яхшилаш, уларнинг юқори савияда ўтказилиши ҳамда пропагандистларнинг ўтиладиган темада пухта тайёргарлик кўриб келишига оид бирқанча амалий тадбирлар белгиланган.

Областимизда

ПЕДАГОГИК ЎҚИШЛАРГА ТАЙЕРГАРЛИК ҚУРИЛМОҚДА

Область халқ маориф бўлимининг педагогика кабинети шу йил август ойида ўтказиладиган республика «Педагогик ўқишлари»га қизғин тайёрланмоқда. Ўқишга область мактабларидаги илғор ўқитучилар, методистлар, халқ маориф бўлимларининг раҳбар ходимларини кенгроқ жалб қилиш мақсадида май ойи ичида уч кунлик область «Педагогик ўқишлари» ўтказилади.

Ўзбекистон педагогика фанлари илмий-текшириш институтининг «Педагогик ўқишлар»ни ўтказиш юзасидан тузган планида 300 дан ошиқ тема бор. Шундан ўқув йилининг ҳозирги даврига оид актуал темалар танланиб, районларда уч кунлик «Педагогик ўқишлар» ўтказилмоқда. Оржоникидзе, Қорасув, Тошкент район ва Чирчиқ, Янгийўл шаҳарларида «Педагогик ўқишлар» муваффақиятли ўтди.

Оржоникидзе районида ўтказилган «Педагогик ўқишлар»да 100 дан ортиқ ўқитучи иштирок этди. Улар 17-нчи еттийиллик мактабнинг ўқитучиси Ўртоқ Хўжаевнинг «Ўзбек тили грамматикасида узоқ ўтилган темаларни такрорлаш ва мустаҳкамлаш методикаси», 2-нчи ўрта мактаб илмий бўлим мудири Ўртоқ Пакнинг «Фанлардан ўзлаштирмовчи ўқучилар блан ишлаш методи» ҳақида қилган докладларини тингладилар ва муҳокама қилдилар.

С. СОБИТОВ.

ҚОРАСУВ РАЙОНИ ОБОД БЎЛМОҚДА

Қорасув райони кун сайин обод бўлмоқда. Қўйлиқ қишлоқ советидаги райпотребсоюз томонидан қурилаётган хўжалик магазини, маданият ва истироҳат паркида солинаётган ёзги кино-театр бинои битай деб қолди. Магазин ва ёзги кино-театр бинолари 15 майгача фойдаланишга топширилади.

Бундан ташқари Қўйлиқда янги культмаг, китоб магазини ва озиқ-овқат магазини қурилмоқда. Шунингдек, Қорасув ҳамда Ўзгариш қишлоқ советларида саноат моллари ва озиқ-овқат магазинлари қурилади. Район аҳолисини кўплаб нон блан та'миндаш мақсадида Кизил Ўзбекистон қишлоқ советида катта нонвойхона қурилаётир.

Қ. ҲИКМАТОВ.

МТСДА ДОИМИЙ КИНО

Тошкент районидаги 2-нчи МТС дирекцияси ва касаба союз ташкилоти механизаторларга маданий хизматни яхшилашмоқда. МТСнинг клуби талабга жавоб берадиган қилиб жиҳозаланди. Клубга сўнгги техника блан ишланган КПТ — 1 маркали овозли кино аппарати ўрнатилди.

Кино МТС ходимларидан ташқари 54-нчи раз'ездда ишловчи темирйўлчилар, Куйбишев номли колхоз а'золари ва Тарний заводининг коллективига ҳам хизмат қилмоқда.

Ш. КУЗАНБОЕВ.

ЧИНОЗ РАЙОНИДА

Райондаги Вревский ишчилар посёлкаси йилдан-йилга обод бўлмоқда. Бу ерда яқин вақт ичида 20 дан ортиқ янги типда қурилган уй-жойлар қад кўтарди. Биноларга ишчи ва хизматчилар кўчиб кирдилар.

Район матлубот союзи томонидан Вревский қишлоқ советидаги Крупская номли сельпо учун 12 хоналик идора, озиқ-овқат моллари сақланадиган склад, гараж бинолари қурилиб фойдаланишга топширилди.

* * *

Район савдо бўлими меҳнаткашларга савдо хизматини янада яхшилаш мақсадида бу йил район марказида озиқ-овқат ва саноат моллари блан савдо қилучи магазин очди. Шунингдек, район марказида керосин, бензин, автол сотадиган магазин ҳам очилди.

* * *

Район партия комитетининг агитация ва пропаганда бўлими барча колхозларда газета витриналари ташкил этди. Ленин номли, Сталин номли, «Қизил Октябрь» колхозларида ташкил этилган витриналарга ҳар куни янги газеталар осилиб турилади. Бу нарса колхозчиларнинг янгиликлардан хабардор бўлиб туришларини та'миндамоқда.

Х. ИЎЛДОШЕВ.

Харидорлар талаби ҳисобга олинмаётир

Коммунистик партия ва Совет ҳукумати икки-уч йил ичида аҳолини озиқ-овқат ва саноат моллари блан, уй-рўзғор эҳтиёжлари учун керакли бошқа буюмлар блан етарли миқдорда та'минлашни кескин суратда оширишни вазифа қилиб қўйди. Партия ва ҳукуматимизнинг «Совет савдосини янада ривожлантириш тадбирлари тўғрисида» деб чиқарган қарорида совет савдосини яхшилаш ва ривожлантириш тадбирлари белгилаб берилди.

Пискент районидаги савдо ходимлари ҳозирги ўсган талабларга жавоб берадиган даражада ишламаётирлар. Бу райондаги айрим савдо ходимлари халқнинг тобора ўсиб бораётган талаб ва эҳтиёжларини ҳисобга олмай ишлашга одатланиб қолганлар. Шунинг натижасида складларда, магазинларда заранг косалар, сопол идишлар, пойма-пой пойафзаллар, сифатсиз ишланган ўйинчоқлар, мунчоқлар, сиргалар, маржонлар ва бошқалар уюлиб ётибди.

Брок район матлубот союзининг ҳозирги раҳбарлари (раиси М. Орипов, савдо мудири А'ло Қамбаров) яна эскича ишлашни, халқнинг талабини ўрганмай мол келтиришни давом этдирмоқдалар. Масалан, 1953 йилнинг декабрь ойида экспедитор Шайдулин 150 кип газлама олиб келди. Бу хил сортдаги газламалар складларда, магазинларда етарли миқдорда бор бўлишига қарамай қабул қилиб олинди. «Мол бўлади-ю ўтмай қоладими, бугун ўтмаса, эртага ўтар» деб кипларни складларга тахлаб қўйиларди.

Область матлубот союзининг айби блан 1954 йил I кварталда районга 134 минг сўмлик тайёр кийимлар, 250 минг сўмлик ипаклик моллар, 40 минг сўмлик кўйлаклар, бирнеча ўн минг сўмлик шерст, чарм пойафзаллар, макарон, қанд, балиқ, махорка ва бошқа моллар ўз вақтида келтирилмади. Халқ учун зарур бўлган бундай моллар ўрнига бошқа, зарур бўлмаган нарсалар келтирилди.

Пискент район меҳнаткашлари намид чойни яхши кўрадилар. Аммо савдо ходимлари буни ҳисобга олмаётирлар. Складларда қанча кўкчой тахланиб ётишига қарамай яна 180 минг сўмлик (я'ни 4 тонна) иккинчи сорт кўк чой олиб келдилар. Колхозлардаги магазинларда хотин-қизлар калошлари кўп талаб қилинади. Бунинг ўрнига матлубот союзининг ходимлари 6—7 размерли 500 пар боти олиб келиб қишлоқларга жўнатдилар.

Колхозларга зарур бўлган эгар-жабдуқ асбоблари ўз вақтида тўла келтирилмади, бунинг ўрнига шу кунларда ҳечкимга керак бўлмаган бир машина болт келтиридди.

Пискент район савдо ходимларининг бундай пала-партиш, ишлашлари натижасида магазинларда ва складларда шу районда ўтмайдиган моллар миқдори 4 миллион 337 минг сўмга етди. Йилдан-йилга тўпланиб келаётган бу моллар складларда ва магазинларда ётавериб ўз сифатини йўқотмоқда, матлубот кооперациясига қанчадан-қанча зиён етказмоқда. Биргина 1953 йилда шу районда тўпланиб қолган бу моллар сифатини йўқотгани учун нархи пасайтирилиб кооперацияга 100 минг сўм зиён келтирилди.

Область матлубот союзининг раҳбарлари бу фактларни биладилар, албатта. Брок улар молларни ҳарқайси район шароитига мувофиқ танлаб юборишни ташкил қилмаётирлар. Улар поставщиклардан мол олганда қандай сифатли мол олдинг деб сўраш ўрнига, қанча сўмлик мол олдинг деб суриштирадилар. Шунинг натижасида районларга кўплаб ўтмайдиган моллар юборилмоқда. Бир районда ўтмай қолган моллари бошқа районларга олиб бориб сотиш тадбирлари кўрилмаётир.

Қариб 5 миллион сўмлик моллар магазин ва складларда ётиб сифати бузилиб, нархи пасайиб ётаверса, кооперацияга яна кўп миқдорда зарар келтириши мумкин. Меҳнаткашлар талабини э'тибор.га олиб, Пискент районида матлубот кооперацияси ишини яхшилаш керак.

Восит ХАЛИЛОВ.

РЕДАКЦИЯГА ХАТ

Қонуний ҳақимизни қачон олар эканмиз?

Ўтган йилнинг 18 февралида Сирдар'ё машина-экскаватор станциясининг директори номига бир хат олинди. Бу хат область ижроия комитетининг Верхне-волинск район ташкилот комитетидан бўлиб, бунда Свердлов номли колхознинг ўз маблағи ҳисобига колхозда ички мелиоратив ишларни ўтказиш зарурлиги кўрсатилган эди.

Биз 20 февральдаёқ колхозга келдик ва тупроқ қазиш юзасидан бажариладиган ишларнинг ҳаммасини аниқлаб, колхоз блан шартнома туздик. Экскаваторчиларимиз 31 мартгача шу колхозда ишлаб, 25946 сўмлик, я'ни 6792 кубометр ҳажмдаги тупроқ қазиш ишларини бажардилар. Бу ҳақдаги барча техника ҳужжатлари ўз вақтида колхозга топширилди.

Лекин бу вақтда колхоз правленияси составида ўзгариш юз берди. Собиқ правление раиси ўртоқ Шарипов ўз вазифасидан озод қилинди, унинг ўрнига ўртоқ Ирисимбетов раис қилиб сайланди.

МЭС дирекцияси бажарилган ишлар учун ҳақ берилишини сўраб, колхоз правлениесига такрор-такрор мурожаат қилди. Брок колхоз правлениеси ва унинг янги раиси ўртоқ Ирисимбетов буни тўлашдан кескин суратда бош тортиб келмоқда. У дастлаб, қилинган ишларни текшириб чиқиш юзасидан махсус комиссия тузишга уриниб кўрди, кейинчалик эса, қазилган зовурлар гўё пахта ҳосилини оширишга ҳеч қандай наф бермайди деган баҳонани топиб, ўжарлик йўлига ўтиб олди.

Шундан кейин биз, бажарган ишларимизни кўрсатучи тегишли ҳужжатлар асосида Верхне-волинск район халқ судига мурожаат қилишга мажбур бўлдик. Лекин колхоз раиси ўртоқ Ирисимбетов судга келмаганлиги туфайли суд мажлиси бўлмади ва шу йилнинг 30 январига кечиктирилди.

Бу ҳол 30 январьда ҳам такрорланди. Шундай қилиб, иш 10 февральга кечиктирилди. МЭС вакили бу куни ҳам кўрсатилган вақтда судга келиб, яна колхоз раисини кутди. Бу гал энди Ирисимбетов телефон орқали сўзлаб, судга келаолмаслигини суд раисига айтди. Шунга кўра суд тўртинчи марта, 17 февральга кечиктирилди.

Суд мажлиси ўртоқ Ирисимбетовнинг майли блан унинг ўзи раислигида шу колхознинг дала мудири Зоҳидов, колхоз қурилиш ишлари бошлиғи Черемних, Верхне-волинск район сув хўжалигининг бошлиғи Ким ва МТС директори Бойназаров ўртоқлар, шунингдек, МЭС нинг икки вакилидан иборат комиссия тузишга ҳукм чиқарди.

Бу комиссия шу йил 20 февральда ишни бошлаши керак эди. МЭС вакиллари бу куни ҳам кўрсатилган жойда, ўз вақтида ҳозир бўлдилар. Лекин ўртоқ Ирисимбетов комиссия а'золарининг бу ерга келишини та'минлаш уёқда турсин, ҳатто унинг ўзи ҳам келмади. Шу зайлда Сирдар'ё МЭСи бундан бир йил олдин бажарган ҳалол иши учун Свердлов номли колхоздан шу чоқгача ҳақ ололмай келаётир.

Бу ягона факт эмас. Жумладан, биз 1953 йилнинг Октябрь ойида шу райондаги «Пахтакор» колхозида 1814 сўмлик 723 кубометр ҳажмдаги тупроқ қазиш ишларини бажарган эдик. Афсуски, бунинг ҳақи ҳам қонунгача қўлимизга текканича йўқ.

Шуни кўрсатиб ўтиш керакки, мана шу бажарилган ишларнинг ҳаммаси район партия комитети ва район ижроия комитети блан бевосита маслаҳатлашиб қилинган.

Биз бажарилган ҳалол иш учун қонуний ҳақ тўлашни, мелиоратив ва тупроқ қазиш ишларининг амалга оширилишига тўсқинлик қилиб келаётган шахсларга чора кўрилишини талаб қиламиз.

Г. КОПОТЕВ,

Сирдар'ё машина-экскаватор станциясининг директори.

П. ПРУДЕЦКИЙ.

Бош инженер.

УКРАИНАНИНГ РОССИЯ БЛАН ҚАЙТА ҚЎШИЛИШИНИНГ 300 ЙИЛЛИГИ ОЛДИДАН

Қардош рус ва украин музика маданиятининг ўзбек музика маданияти ривожланишига та'сири

Совет Иттифоқи халқларининг бузилмас дўстлиги давлатимиз куч ва қудратининг мустаҳкам асосидир. СССР халқлари ўртасидаги дўстлик уларнинг эксплуататорларга қарши биргаликда олиб борган курашлари асосида вужудга келди ва мустаҳкамланди.

Рус халқи блан украин, белорус халқи ва Кавказ халқлари ўртасидаги муносабатлар тарихий традицияларга эгадир.

Илғор рус адабиёти, сан'ати ва музикаси украин маданиятининг ривожланишига доимо самарали та'сир кўрсатиб келди.

Рус ва украин халқлари ўртасидаги кўп асрлик дўстлик муносабатлари халқ музика маданиятида ҳам яққол акс этган. 1648 — 1654 йил воқиалари ҳақидаги украин қўшиқларида рус ва украин халқининг дўстлиги ҳақида куйланади.

Буюк музика арбоблари Даргомижский ва Серов, Мусоргский ва Римский-Корсаков ўз ижодларида украин куйларининг тўғанмас манба'ларидан жуда кўп фойдаланганлар. Улар украин халқи ҳаётидан олинган темаларда асарлар яратдилар. Улуғ рус композитори Глинканинг Украинага бориши унда жуда катта таассурот қолдирди. Глинка украин шоирлари ше'рларига ёзган музикаларида украин музикасининг услубини сақлашга муваффақ бўлди.

Рус композиторлари Гогольнинг Украина ҳаётидан олиб ёзган поэмаларига бирнеча марта мурожаат қилганлар. Мусоргский «Сорочинск ярмаркаси» операсини яратишда украин халқ куйларидан кенг фойдаланди. Н. А. Римский-Корсаков ҳам Гоголь асарлари сюжети асосида ёзган операларида украин халқ қўшиқларидан илҳомланди. Унинг «Май кечаси» ва «Рождество арафасидаги кеча» опералари ўзининг халққа яқинлиги ва украин пейзажларининг ажойиб тарзда тасвирланиши блан ажралиб туради.

Украина профессионал музикаси илғор рус музика маданиятининг кучли та'сири остида ривожланди. XIX асрнинг иккинчи ярмида яшаган ва ижод қилган йирик украин композитори Н. В. Лисенконинг дун'ёқараши Россияда ўтган асрнинг 60-нчи йилларида демократик ҳаракат катта қудрат блан кўтарилаётган пайтда шакилланди.

Н. Д. Леонтович ижоди ҳам рус классик музикаси ва украин халқ қўшиқларининг бевосита та'сири остида шакилланди. Машҳур ашулачи ва «Запорожли Дунай орқасида» операсининг автори С. С. Гулак-Артемовскийнинг ижоди йўли ҳам рус музика мактаби ва Глинка ижоди блан бевосита боғланган-дир. Композиторлардан Нишчинский ва Давидовскийлар ҳам Петербург консерваториясида Лядов ҳамда Римский-Корсаковлардан та'лим олганлар.

Улуғ Октябрь социалистик революциясидан кейингина украин сан'атининг барча соҳалари, шу жумладан украин музикаси ҳам рус ва бошқа қардош халқлар маданияти ва музикаси сингари чинакам ривожланиш йўлига кирди. Украин композиторларининг янги авлоди: Ревуцкий, Лятошинский, Косенко, Козицкийлар рус классик сан'атидан ва украин халқ қўшиқларидан кенг фойдаланиб, Лисенко традицияларини давом этдирдилар.

Октябрь революциясидан кейин ёзилган украин операларининг тематикаси украин халқининг турмуши ва унинг қаҳрамонона ўтмиши блан мустаҳкам боғлангандир. Мейтуснинг «Еш гвардия», Данькевичнинг «Богдан Хмельницкий» опералари бунга яққол исботлайди.

Кейинги йилларда кантаталар ҳам яратилди. Масалан, Штогаренконинг «Менинг Украинам» кантатаси украин халқининг гитлерчиларга қарши олиб борган қаҳрамонона курашини акс этдиради. Бу ўринда Жуковскийнинг «Ватаним, топгил шараф-шон» кантатасини ҳам эслатиб ўтиш керак. Украин композиторлари опера ва симфониялар блан бир қаторда Украина музика тарихида биринчи марта камер ва вокаль музикасининг турли формаларида ҳам асарлар яратдилар.

Кейинги йилларда Украинада композиторларнинг янги авлоди ўсиб етишди: Штогаренко, Мейтус, Данькевич, Колесса, Таранов, Филиппенколар шулар жумласидандир. Гомолыка, Майборода, Дремлюга, Кос-Анатольский каби ёшлар ҳам яхши асарлар яратдилар. Украина композиторларининг кўп асарлари рус, белорус, арман, ўзбек, туркман, қозоқ ва доғистон халқлари темасида ёзилган. Кўпмиллатли Ватанимиз халқлари дўстлиги темаси Украина республикасининг музикасида ёрқин равишда ўз ифодасини топган.

Совет Иттифоқидаги бошқа халқларнинг профессионал музика сан'ати ҳам Улуғ Октябрь социалистик революциясидан кейин яратилди. Бунда рус классик композиторларининг ва бу композиторларнинг энг яхши традицияларини давом этдираётган ҳозирги замон рус композиторларининг ижоди ҳал қилучи аҳамиятга эга бўлди.

Улуғ Октябрь социалистик революциясига қадар Ўзбекистонда ҳам, ўзбек мақомларини яхши билучи ва уни пропаганда қилучи ашулачи ва музикачиларни ҳисобга олмаганда, профессионал музика сан'ати йўқ эди. Ўзбек халқи нота блан нотаниш эди. Аммо шуни ҳам айтиш керакки, Ўрта Осиё Россияга қўшилган пайтлардан бошлаб, рус ва ўзбек маданияти ўртасида алоқа боғланган эди. Чор ҳукумати мустамлака халқлари маданиятининг ўсишига турли йўллар блан тўсқинлик қилар эди. Бу тўсқинликларга қарамасдан, рус халқининг маданияти Ўрта Осиёга кириб келди ва бунинг натижасида Ўзбекистон музика ҳаётида катта ўзгаришлар рўй берди.

Ўзбекистонда яшаган ҳарбий капельмейстерлардан Лейсек, Эйхгорн, Мирзовлар биринчи марта ўзбек музика фольклорини қайта ишлашга ва шу асосда оркестр учун асарлар яратишга ҳаракат қилдилар. Улар ҳаваскор хор тўгараклари, театр коллективларини ташкил қилдилар ва шу йўл блан тамошабинларни рус ва Ғарбий Европа классиклари асарлари блан таништирдилар. Ўша пайтларда Ўзбекистонга рус ашулачилари, скрипкачилари, пианистлари, театр труппалари ҳам келиб турар эди. Бу ҳодисаларнинг ҳаммаси ўзбек музикасининг ривожланишида катта роль ўйнади.

Биринчи ўзбек совет шоири, композитори, драматурги, педагоги ва жамоат арбоби Ҳамза Ҳакимзода Ниёзийнинг композиторлик ижоди улуғ рус музика маданиятининг бевосита та'сири остида шакилланди. Ҳамза яратган «Ҳой ишчилар», «Биз ишчимиз», «Яша Шўро» ва бошқа ашулалари дастлабки ўзбек оммавий қўшиқлари эди. Бу қўшиқлар барча халқлар учун ҳам баравар аҳамиятга эга бўлган образларга эгадир.

Ўзбек музика маданияти ленинчасталинча миллий сиёсатнинг амалга оширилиши натижасида жуда тез сур'атлар блан ўсабошлади. Республикада дастлабки миллий опералар, балетлар, симфониялар ва кантаталар яратилди. Совет ҳокимияти йилларида Ўзбекистонда опера ва балет театри, филармония, симфоник оркестр, халқ чолғу асбоблари оркестри, хор капелласи ташкил қилинди. Бирнечта музика ўқув юртлари вужудга келди. Қисқа муддат ичида республикамиз четэл Шарқ мамлакатлари музика сан'атини орқада қолдирди.

Рус музикачилари ўзбек музика маданиятининг ривожланишида катта роль ўйнадилар. Миронов, Романовская, Успенский каби композитор ва музикашунослар ўзбек халқ ижодини тўплаш, ўрганиш ва қайта ишлашда ўзларининг катта ҳиссаларини қўшдилар. Ўзбекистонда ёш фольклорчилар ҳам етишиб чиқди. Успенскийдан та'лим олган ёш ўзбек музикачилари Ил'ёс Акбаров, Ҳафия Муҳамедова шулар жумласидандир. В. А. Успенский Ўзбекистонда қўповозли ашулани ривожлантиришда жуда катта хизмат қилди. У, ўзининг музика соҳасидаги бутун тажрибасини, билимини ўзбек музика сан'атини ҳозирги замон талабларига жавоб берадиган даражага етказишга бағишлади.

Машҳур совет композиторларидан Р. М. Глиэр ва С. М. Василенколар Ўзбекистонда симфоник ва опера музикасини яратишда бевосита қатнашиб, ўзбек миллий музика маданиятининг шакилланишида жуда катта роль ўйнадилар. 1939 йилда С. Василенко, М. Ашрафий блан биргаликда дастлабки ўзбек операси — «Бўрон» операсини яратди. Улуғ Ватан уруши йилларида С. Василенко Тошкентда педагогик ишлар олиб борди.

Композиторлардан Глиэр, Козловский, Мушельлар ҳам ўзбек профессионал музикасининг шакилланишида ва ривожланишида ўзларининг муносиб ҳиссаларини қўшдилар. Глиэр ўзбек композитори Т. Содиқов блан ҳамкорликда «Гулсара» номли ажойиб ўзбек операсини яратди. Глиэр ўзбек музикаси тарихида биринчи марта симфоник асарлар ёзди. Унинг «Фарғона байрами» увертюраси ўзбек халқ куйлари асосида ёзилгандир. Энг йирик совет композиторларидан Ипполитов-Иванов ўзининг сўнгги асарларидан бирини Ўзбекистонга бағишлайди. Улуғ Ватан уруши йилларида Ўзбекистонда яшаган композитор Штейнберг ўзининг беш бўлимдан иборат симфония-рапсодиясида Ўзбекистоннинг ҳонликлар давридан бошлаб бизнинг кунларимизгача бўлган тарихини ўзбек халқ қўшиқлари асосида ифодалаб берган.

Кейинги вақтларда ёш ўзбек композиторлари мустақил равишда йирик музика асарлари яратабошладилар.

Бу ўринда М. Ашрафийнинг симфонияларини ва унинг «Бахт ҳақида қўшиқ» кантатасини, С. Юдаковнинг «Мирзачўл» номли вокаль симфоник сюитасини, Ашрафий, Собитов, Зокиров, Соатқуловларнинг симфоник сюиталарини ва ўзбек композиторларининг кўпгина қўшиқлари ва романсларини айтиб ўтиш керак. Бу асарларнинг ҳаммаси ўзбек халқ ижоди блан мустаҳкам боғлангандир.

Ўзбек композиторлари хор партиталари устида ҳам ижодий иш олиб бормоқдалар. М. Бурҳонов музика асбобларисиз ижро этиладиган хорнинг энг яхши намуналарини яратди. Композиторлар Ўрта Осиё халқлари куйларини қайта ишлаб, бу куйларда кўп овозли ашула учун жуда катта имкониятлар борлигини исбот қилмоқдалар. Бу эса гўё ўзбек халқ қўшиқлари фақат бировозли қўшиқлар учунгина ярайди деган бе'мани назарияни тор-мор келтирди.

Улуғ Октябрь социалистик революциясидан кейин Ўзбекистон меҳнаткашлари Совет Иттифоқидаги бошқа халқларнинг музика маданияти блан, шу жумладан Украина музикаси блан кенг танишиш имкониятига эга бўлдилар. Муқимий номли музикали драма театри Лисенконинг «Полтавали Наталка» музикали драмасини ва Гулак-Артемовскийнинг «Запорожли Дунай орқасида» музикали драмасини саҳнага қўйди. Бу асарларни саҳнага қўйишда ўша вақтда Ўзбекистонда яшаган украин театларининг артистлари ва режиссёрлари бевосита иштирок этдилар. Украина ССР халқ артисти Бучма «Полтавали Наталка» драмасини саҳнага қўйишда раҳбарлик қилди. 1952 йилда Муқимий номли театр ўз саҳнасида Гоголь повести асосида Рябов томонидан инсценировка қилинган «Сорочинск ярмаркаси» комедиясини кўрсатди.

Украина театр коллективлари, концерт труппалари, ашула ва рақс ансамбльлари бирнеча марта Ўзбекистонга келдилар.

А. И. Петросянц бошчилигидаги ўзбек халқ чолғу асбоблари оркестрининг коллективи 1952 йилда Украинанинг Киев, Одесса, Львов, Херсон шаҳарларида бўлди. Бу оркестр Украина меҳнаткашлари ўртасида катта муваффақият қозанди. Унда ўзбек халқ куйларидан «Рохат», «Қашқарча», Ўзбекистон композиторларидан Левиев ва Юдаковларнинг яратган қўшиқлари, рус ва Ғарбий Европа классик композиторларининг қайта ишланган асарлари ижро этилди. Оркестр репертуарига украин халқ қўшиқларидан ҳам киритилган эди. Ҳозирги кунларда оркестр коллективи Лисенко, Гулак-Артемовский ва рус классиклари томонидан яратилган украин темаларидаги музикалардан иборат бутун бир программани тайёрлади.

Ўзбек хор капелласи репертуарининг ҳам анчагина қисмини Украина композиторларининг асарлари ташкил қилади.

Ўзбекистон халқ артисти Тамарахоним украин халқ қўшиқлари ва рақсларини катта маҳорат блан ижро этмоқда.

Ўзбекистон композиторлари ўз асарларида украин қўшиқлари ва рақсларининг куйларидан кенг фойдаланмоқдалар. Композиторлардан Т. Содиқов ва В. Мейен томонидан яратилган «Армуғон» драмасида украин халқ куйларидан фойдаланилган. Композитор С. Юдаков украин Шоири Т. Шевченконинг «Ғариблиқда» номли ше'рига романс ёзди.

Ўзбекистонда бўлган украин композиторлари ҳам ўзбек халқи музика фольклоридан фойдаланмоқдалар. Улуғ Ватан уруши йилларида Тошкентда украин композиторларидан Л. Ревуцкий, Виленскийлар, скрипкачи ва дирижёр Бертье яшадилар ва ижод қилдилар. Л. М. Ревуцкий Тошкент давлат консерваториясида назария ва композиция кафедрасига раҳбарлик қилиб, ўзбек композиторларининг ўсишига катта ёрдам кўрсатди. Ил'ёс Акбаров, Иброҳим Ҳамроевлар Ревуцкийдан та'лим олдилар. Ревуцкий Тошкентда яшаган даврида бирқанча асарлар яратди. Бу асарларнинг асосий ғояси мамлакатимиз халқлари ўртасидаги қардошлик, дўстлик темасидир.

Совет ҳокимияти йилларида кўп миллатли совет халқларининг бузилмас дўстлиги вужудга келтирилди. Ленинча-сталинча миллий сиёсатнинг амалга оширилиши натижасида мамлакатимизда барча халқлар бир-бирларидан ўрганиб, ва ўзлари эришган муваффақиятларни бошқаларга ўргатиб, ўзларининг мазмунан социалистик ва шаклан миллий маданиятларини ривожлантирмоқдалар. Мамлакатимиз халқларининг музика маданияти соҳасида эришган муваффақиятлари Коммунистик партия томонидан олиб борилаётган миллий сиёсатнинг дун'ёда энг доно ва энг ҳаққоний сиёсат эканлигини исботлайди.

А. АСИНОВСКАЯ.

Тошкент Давлат консерваториясининг ўқитучиси.

Ғўзаларни юқори сифатли парвариш қилиб, барча майдонларда мўл ҳосил етиштиришга эришайлик!

Янгийўл районидаги Маленков номли колхозда колхозчиларнинг меҳнат кунларига ўз вақтида пул авансларн берилиб туради. **Суратда:** (чапдан) колхоз кассири **У. Йўлчиев** 3-нчи бригада а'золари **А. Жийронбекова, Б. Адашева, М. Бўтаев, М. Мусаева, М. Саримсақова** ва **А. Тўлабоева** ўртоқларга навбатдаги аванс пулини бермоқда.

В.Салов фотоси.

МУСОБАҚАДОШЛАР СОЦИАЛИСТИК МАЖБУРИЯТНИНГ ҚАНДАЙ БАЖАРИЛАЕТГАНЛИГИНИ ЎЗАРО ТЕКШИРМОҚДАЛАР

Мусобақадошлар маслаҳатини тезда амалга оширайлик

Чиноз райони ўтган йили давлатга пахта топшириш планини бажармади. Бунга, дала ишларининг ҳарбир даврида белгиланган топшириқни ўз вақтида ва сифатли қилиб бажарилмаганлиги, айрим колхоз правлениеларининг ишни тўғри уюштираолмаганликлари каби бир қатор камчиликлар сабаб бўлди. Ана шу камчиликлар бу йилги ишда катта сабоқ бўлиши керак эди. Афсуски, бундай бўлмаётир.

Ҳозир Чиноз районида мусабақадош Бўка районининг ўзаро текшириш бригадаси юрипти. Улар дастлабки куни Сталин номли колхознинг дала ишлари блан танишдилар. Колхоз 1010 гектар ерга чигит экқан. Н. Жалилов ва Н. Унабоев ўртоқлар бошлиқ бригадалар ўз майдонларидаги чигитни биртекисда ундириб олдилар, ягана ва чопиқ ишларини сифатли ўтказдилар, биринчи культивацияни тамомладилар. Ўзаро текшириш комиссияси бу икки бригада ишидан хурсанд эканлигини айтди. Лекин қолган бригадаларда дала ишлари қониқарсиз бажарилмоқда. Масалан, Алибоев бошлиқ бригада 69 гектар ердаги ғўзанинг атиги 10.5 гектарини ягана қилган, чопиқ мутлақо бошланмаган, 20 гектар ерда чигит ола чиққан. И. Шукуров бошлиқ 6-нчи бригадада 65 гектар ердаги ғўзадан атиги 2,5 гектари ягана қилинган, 7 гектар ғўза чопиқдан чиқарилган. Лекин бу ишларнинг ҳаммаси сифатсиз бажарилган. 19 гектар ерда ғўза сийрак бўлиб қолган. Иккала бригада ҳам ола чиққан ерларни текислаш учун шу кунга қадар қўшимча чигит экқани йўқ.

Ким Бен Сек бошлиқ 14-нчи бригадада аҳвол бундан ҳам ёмон. Бу бригадада меҳнат интизомининг бузилишига йўл қўйилмоқда. Бригада а'золари далага кеч чиқиб, эрта қайтадилар.

Колхозда МТСнинг 11 та «универсал»и ишлайди. Лекин буларнинг ярмидан кўпи ремонтга муҳтождир. Шейко ва С. Холматов ўртоқлар бошлиқ трактор бригадаларидаги «универсал»лар сифатсиз ремонт қилинганидан тез-тез бузилиб қолиб иш сур'атининг пасайишига сабаб бўлмоқда. Бу трактор бригадаларидаги ба'зи универсалчилар пайкал бошига чиққан вақтда мас'улиятсизлик блан 5—10 метр ердаги ғўзани ишламай қолдириб кетмоқдалар. Лекин, МТС раҳбарлари (директори Н. Мелихов механиги Н. Леонтьев ўртоқлар) колхоздаги трактор бригадаларининг ишига жиддий э'тибор бермайдилар. Ўзаро текшириш бригадаси яна шуни аниқладики, айрим бригадаларда, чунончи, Х. Расулев бошлиқ 2-нчи бригадада колхозчиларнинг ишлаган меҳнат куни ўз вақтида меҳнат дафтарчасига ёзиб борилмайди. Натижада бригада а'золари 15—20 кунлаб қанча меҳнат қилганликларини билмай юрадилар.

Қорамолчилик фермаси ишида ҳам жиддий камчиликлар бор. Сут соғувчиларга норма белгилаб берилмаган. Бузоқлар яхши парвариш қилинмаётир, уларнинг соғлом ўсиши учун ферма мудири Эргашев, МТС зоотехниги Серих ўртоқлар мутлақо э'тибор бермаётирлар. Колхоз правлениеси ва партия ташкилоти меҳнат интизомини яхшилашга, кундалик графикнинг бажарилишига эришиш учун зарур тадбирларни амалга оширмаётирлар. Колхозда сиёсий-оммавий ишлар яхши йўлга қўйилмаган. 20 та дала шийпонидан шу вақтга қадар биронтаси ҳам жиҳозланмаган. «Ҳурмат тахтаси» ташкил этилмаганлиги, «Жанговар варақа»лар чиқарилмаганлиги ҳақида гапириб ўтирмасак ҳам бўлади. Район партия комитетининг шу колхозга бириктирилган инструктори ўртоқ М. Ефтеев колхоз партия ташкилотига ёрдам бериш ўрнига, «агитаторлар ҳечқандай иш қилмаётир, партия ташкилоти ўз иш планига эга эмас», деб нолийди. Бунинг ўрнига у деворий газета ва «Жанговар варақа»лар чиқаришга, пахтакорлар ва механизаторлар ўртасида тушунтириш ишларининг яхшиланишига бевосита амалий ёрдам бериши керак эди.

Будённий номли колхозда ҳам худди шундай манзарани кўрасиз. Текшириш натижасида колхозда яганалаш, чопиқ ва культивация сур'ати ниҳоятда паст эканлиги, иш сифатсиз бажарилаётганлиги малум бўлди. Колхозда ипак қуртларини боқиш ҳам ачинарли аҳволда. Иккинчи ёшдаги қуртлар ҳозирга қадар тор жойларда боқилмоқда. Бу ҳол ипак қуртларининг нормал ўсишига ёмон та'сир қилмоқда.

Райондаги Каганович номли колхозда ишчи кучлари тўғри тақсимланмаган. Айрим кишиларнинг қаерда қандай иш блан машғул эканлигини колхоз раиси И. Аҳмедов, партия ташкилотининг секретари Цой Ги Сон ўртоқлар айтиб бераолмайдилар. Шунингдек, колхозда ишлабчиқариш плани ҳам йўқ, қайси пайкалда неча мингдан ғўза тупи бўлиши ерларнинг шароитига қараб белгилаб берилмаган. Шунинг учун бу колхозда яганалаш қоидалари бузилмоқда. Натижада М. Бабанов, А. Сатторов ўртоқлар бошлиқ бригадаларда ғўзалар нотўғри ягана қилинган. 1-нчи бригада ерида ғўзани ўт босаётир. Колхозда механизация усули блан ягана қилишга э'тибор берилмайди. Мавжуд машиналардан унумли фойдаланилмаётир.

Ўзаро текшириш бригадасининг бошлиғи, Бўка район партия комитетининг секретари ўртоқ А. Кечин бундай деди:

— Биз айниқса Каганович номли ва Андреев номли колхозлардаги қолоқликни кўриб жуда ачиндик. Бу иккала колхозда қишлоқ хўжалигининг бирор соҳаси ҳам яхши ривожланмаётир. Колхозларнинг правлениелари, партия ташкилотлари ўз ишларида кескин бурилиш ясаб, содир бўлган камчиликларни тезликда бартараф қилишлари зарур.

Бўка районидан келган ўзаро текшириш бригадасининг а'золари аниқланган камчиликларни шу ернинг ўзида рўй-рост очиб ташламоқдалар ва ўз мусобақадошларига дўстона маслаҳатлар бермоқдалар. Шу блан бирга улар ана шу маслаҳатларнинг қай тарзда бажарилаётганлигини ҳам изчиллик блан қайта текширмоқдалар.

Чиноз район пахтакорлари ва механизаторлари мусобақадошлар бераётган маслаҳатларга тўла амал қилиб, дала ишларидаги камчиликларни тезда бартараф қилишлари керак.

М. ИКРОМОВ,
«Тошкент ҳақиқати»нинг махсус мухбири.

Мўл ҳосил усталарининг намунали иши

ЯНГИЙЎЛ. (**Ўз мухбиримиздан**). Калинин қишлоқ советидаги Маленков номли колхознинг коммунист Бозорбой Қўйлибоев бригадаси бу йил 50 гектар пахта майдонининг ҳар гектаридан 45 центнердан ҳосил етиштириш учун фидокорона меҳнат қилмоқда.

Ҳозир бригада а'золари ғўза парваришини қизитиб юбордилар. Бригада ерларини тракторчи Эргаш Юсуфалиев культивация қилмоқда. У ҳар куни 8 гектар ўрнига 12—14 гектар ерни сифатли культивациядан чиқармоқда.

Сувчилардан Мадумар Субхонбоев, Сотиболди Тўқлиев ўртоқлар ғўзани текис ундиришда катта хизмат қилмоқдалар. Уларнинг ҳарбири кунда бир ярим гектаргача ерни суғормоқдалар. Бригада а'золари ғўзанинг биринчи парваришини тамомлаб, шу кунларда ғўзани озиқлантиришга тайёргарлик кўрмоқдалар.

Дала шийпонларининг ишига аҳамият берилсин

МИРЗАЧЎЛ. (**«Тошкент ҳақиқати» махсус мухбиридан**). Оммавий-сиёсий ишларни олиб боришда дала шийпонлари айниқса катта роль ўйнайди. Колхоз бошланғич партия ташкилотлари дала шийпонларининг ишини яхшилашга, уни колхозчиларнинг ҳақиқий маданий дам олиш жойларига айлантиришга жиддий аҳамият бермоқлари керак.

Мирзачўл районидаги Сталин номли колхознинг 12 дала шийпони бор, ҳозир буларнинг ҳаммаси ремонтдан чиқарилиб, оқланди. 4 дала шийпони пахтачиликни ривожлантириш, механизациядан тўғри фойдаланишга доир турли хилдаги шиор, плакатлар блан безатилди, радиолаштирилди. Дала шийпонларига газета, журналларнинг янги сонлари келтирилиб турилмоқда. Дам олиш вақтларида агитаторлар колхозчилар ўртасида оммавий-сиёсий иш олиб бормоқдалар, газеталардан хабар ва мақолалар ўқиб бермоқдалар.

Колхоз партия бюросининг секретари ўртоқ Алибоевнинг ўзи шахсан дала шийпонларининг ишлари блан шуғулланаётир. «Зарбдор» колхозининг партия ташкилоти (секретари ўртоқ Ахманов) активлар ёрдамида колхоздаги икки марказий дала шийпонини намунали қилиб безатган. У ерда тез-тез «Жанговар варақа» чиқарилиб турилади. Шийпонларда кўргазмали тахта ташкил қилинди, унда бригада ва звеноларда кундалик графикнинг қандай бажарилиши мунтазам ёзилиб турилмоқда.

Лекин райондаги кўпгина колхозларнинг бошланғич партия ташкилотлари дала шийпонларини безатишга ва унда оммавий-сиёсий ишларни олиб боришга етарли аҳамият бермаётирлар. Райондаги энг йирик колхозлардан ҳисобланган «Коммуна» колхозида дала шийпонларини безатиш, уни намунали маданий жойга айлантиришга э'тиборсизлик блан қаралаётир. Колхоз партия ташкилоти (секретари ўртоқ Жўраев) шу вақтгача битта ҳам дала шийпонини ремонтдан чиқариб, уни намунали ҳолга келтирмаган. Ворошилов номли колхозда (партия ташкилотининг секретари ўртоқ Алимов) ҳам бирон дала шийпони ишга туширилмаган, уларни ремонт қилиш ҳечкимнинг эсига ҳам келмайди. «Ленинизм» колхози партия ташкилотининг секретари ўртоқ Оллобердиев дала шийпонларининг иши блан мутлақо шуғулланмаётир, колхознинг «Қаҳрамон», «Комсомол» участкаларидаги дала шийпонлари ҳатто газета, журналлар блан та'мин этилмаган. Бу ерларга ажратилган газета, журналлар кўпинча колхоз секретарининг шкафида сақланиб ётади.

Будённий номли колхоздаги 12 дала шийпонидан бори-йўғи 2 таси ремонтдан чиқарилган. Аммо улар ҳам шу вақтгача жиҳозлангани йўқ. «Қизил юлдуз», Куйбишев номли колхозлардаги дала шийпонлари ўз ҳолига ташлаб қўйилган. Шийпонларда агитаторлар колхозчиларга ҳатто газетадан хабарларни ҳам ўқиб эшитдирмайдилар, шийпонлар радиолаштирилмаган, бор радиоприёмниклар «батария йўқ» баҳонаси блан ишламайди.

Мирзачўл район партия комитети ва унинг пропаганда ва агитация бўлими (мудири ўртоқ Шарафиддинов) партия ташкилотларининг э'тиборини колхозларда дала шийпонларини безатиш ва уларда оммавий-сиёсий ишларни олиб боришни кучайтиришга жалб этиши керак.

Совхоз пахтакорларининг ғайрати

1-нчи «Далварзин» совхозининг универсалчиси ўртоқ З. Охунов 2-нчи бўлимда ишлаётган универсалчи Ғ. Исмоилов ва 5-нчи бўлимда ишлаётган Ванюшкина ўртоқларнинг ҳарбири мавсумда 1000-1300 гектар ердаги ғўза қатор ораларини ишлашга аҳд қилганлар. Улар ҳар куни 15-16 гектар ердаги ғўзаларни культивация қилмоқдалар.

2-нчи «Далварзин» совхозининг 2-нчи бўлимидаги ўртоқ А. Нуляхшиев бошлиқ бригада ишчилари бу йил 60 гектар ернинг ҳар гектаридан 35 центнердан ҳосил етиштириш мажбуриятини олганлар. Ҳозир улар механизаторлар блан бирга ғўзаларни меҳр блан парвариш қилмоқдалар. Ишчилардан Х. Раззоқов, И. Юсупова, М. Азимовалар зўр ғайрат кўрсатиб ишлаб кунлик нормани 160-180 процентдан адо этмоқдалар.

3-нчи «Далварзин» совхозининг пахтакорлари ҳам сур'атни кучайтириб, ғўза парваришини намунали ўтказаётирлар. Ўртоқ Х. Маматқулов бошлиқ бригадада иш ҳарбир картанинг шароитига қараб, тузилган конкрет план асосида олиб борилмоқда. Нормалар тўғри белгиланиб, меҳнат яхши уюштирилганлиги учун иш унуми ортмоқда. Ишчилардан А. Қосимов, З. Билолова, Ф. Холиқова ва бошқалар кунлик нормаларини 140-150 процентдан ошириб бажармоқдалар.

Совхознинг Т. Отабеков бошлиқ бригада а'золари бу йил пахтадан мўл ҳосил етиштириб, 1955 йилда Бутуниттифоқ қишлоқ хўжалик виставкасига қатнашиш шарафига эга бўлиш учун зўр ғайрат блан ишламоқдалар.

Мўл ҳосил етиштириш учун

Бекобод районидаги Ленин номли колхозда хизмат қилаётган 2-нчи МТСнинг ўртоқ Ҳайдарали Ҳамроқулов бошлиқ трактор бригадасининг универсалчилари ўзаро социалистик мусобақа шартларига қат'ий риоя қилиб, ғўза қатор ораларини юқори агротехника асосида культивация қилмоқдалар. Универсалчилар бу йил мавсумда 1300 гектар ерни культивация қилиш мажбуриятини олганлар. Илғор универсалчилардан О. Эрматов, Ж. Абдурайимов ўртоқлар ҳар куни 17-18 гектар ердаги ғўзани культивация қилиб кунлик нормани ошириб бажармоқдалар.

А. ШАЙХОВ.

★ ★ ★

БУТУНИТТИФОҚ ҚИШЛОҚ ХУЖАЛИК ВИСТАВКАСИНИНГ КАНДИДАТЛАРИ

Коллектив хўжаликнинг қудратли кучи

Улуғ Ватанимизнинг шонли пойтахти Москвада очиладиган Бутуниттифоқ қишлоқ хўжалик виставкасига кандидат қилиб кўрсатилган юқори ҳосилли колхозлардан бири Ховос районидаги Карл Маркс номли йирик пахтакор колхоздир. Бу кўп тормоқли хўжаликнинг ватанпарвар а'золари ўзларининг фидокорона меҳнатлари блан қисқа муддат ичида ажойиб муваффақиятларни қўлга киритдилар.

Карл Маркс номли колхознинг унумдор ерлари Мирзачўлда жойлашган. Бу ерларнинг қадимдан Мирзачўл деб аталиши унда бирор экин ўсмаганлиги учун эмас, албатта. Унинг Мирзачўл дейилишига сабаб, кўз илғамас бепоён чўлда сув танқислиги эди.

Эрта кўкламда бепоён чўл турли-туман гиёҳлар блан қопланар ва унга қўй-қўзилар, йилқи ва туялар ҳайдаб келинар эди. Лекин бу ўт-ўланлар оловли қуёш шу'лалари та'сири ва сувсизликдан баҳор тугамай қовжираб қолар ва чексиз саҳрода янгидан ҳаёт сўнабошларди.

Совет Ўзбекистонининг меҳнаткашлари шонли Коммунистик партиянинг раҳбарлиги остида бепоён Мирзачўл саҳросини эгаллаш учўн умумхалқ юришини бошладилар. Янги суғориш каналлари бунёдга келди, эскилари эса кенгайтирилди. Мирзачўл ерларининг табиий шароити — тупроқнинг унумдорлиги, иссиқ иқлим, Сирдар'ёнинг битмас-туганмас суви асрлар бўйи ташландиқ бўлиб ётган бу ерларда қишлоқ хўжалигини жадал сур'атлар блан ривожлантиришга кенг имкониятлар яратиб берди.

Карл Маркс номли колхоз а'золари янги ерларни очабошлаганларига тўрт йил-дан ошди. Мана шундай қисқа муддатда колхознинг жамоат хўжалигида, колхозчиларнинг маданий-маиший ҳаётида қувончли воқиалар юз берди. Бу вақт ичида колхоз комплекс равишда ривожланган миллионер колхозга айланди. Колхозчилар эса маданий ва фаровон ҳаётга эга бўлдилар.

Суғориладиган экин майдонининг ўсиши (гектар ҳисобида)

Сирдар'ё сувларининг Ховос чўлларига олиб келиниши азамат колхозчи деҳқонлар ўртасида қудратли меҳнат кўтаринкилигини вужудга келтирди. Карл Маркс номли колхознинг ватанпарвар а'золари янги суғориш тормоқлари, сув тақсимлаш иншоотларини қурдилар. Саҳрони экинзор ерларга айлантириш юзасидан салмоқли ишлар қилинди. Улар шу райондаги 2-нчи МТСнинг механизаторлари блан ҳамкорликда 1700 гектар ерни ўзлаштириб, экин майдонларига айлантиришга муваффақ бўлдилар.

Колхоз а'золари сувдан тўла фойдаланиб, экин ерларини муттасил кенгайтиришдан иборат вазифани зўр ғайрат блан амалга ошириб, суғориладиган экин майдонларини тобора кенгайтирмоқдалар. Масалан, пахта майдонлари 1953 йилда 1149 гектарга етиб, 1949 йилдагига нисбатан 15,3 марта кўпайди. Картошка, сабзавот, полиз экинлари майдони 5 марта ва беда майдони 5,3 марта ўсди.

Суғориладиган майдонларнинг кенгайиши колхоз а'золаридан пахта, сабзавот, ўт ва бошқа экинларни ўстириш агротехникасини пухта ўрганишни, пахтачиликни ривожлантириш учун келаётган янги техникани усталик блан эгаллашни талаб қилар эди. Колхозчилар агротехникани қунт блан ўрганиб, борган сари ўз малакаларини оширмоқдалар. Бу нарса ўз натижасини кўрсатаётир. Масалан, колхоз ўтган йили пахта тайёрлаш планини 115 процент адо этди. Бу эса колхозда 1949 йилда етиштирилган ҳосилдан 34 баравар кўпдир.

Пахта етиштиришнинг ўсиши (центнер ҳисобида).

Катта майдонларда бундай юқори ҳосил олиниб келинаётганлигининг яна бир сабаби шуки, колхозда мичуринча агробиология фанининг ютуқлари, илғорлар тажрибаси дадиллик блан қўлланилаётир. Натижада кўплаб мўл ҳосил усталари етишиб чиқди. Булар орасида гектаридан 35 — 40 центнердан пахта етиштирган Каримберди Жўраев, Маматқул Бойзоқов, Қушбек Бердиёров сингари бригада бошлиқлари, 45 — 50 центнердач ҳосил олган Тўлаган Мавлонов, Қўйбек Жабборов, Шерали Жўраев каби звено бошлиқлари бор.

Дон экини майдонларининг ўсиши (гектар ҳисобида).

Колхозда лалмикор деҳқончилик ҳам ривожланмоқда. Дон ва бошқа экин майдонлари кенгайиб, улардан мўл ҳосил олинмоқда.

Ватанпарвар колхозчилар қишлоқ хўжалик артели Уставига тўла амал қилиб, ўз жамоат хўжаликларини ҳартарафлама ривожлантириш учун курашмоқдалар. Улар деҳқончилик блан бирга жамоат чорвачилигини ривожлантиришга ҳам алоҳида э'тибор бермоқдалар. Илгарилари лалмикор деҳқончилик шароитида мустаҳкам ем-хашак базаси йўқлиги туфайли чорвачиликни ривожлантириш масаласи бирмунча қийинчиликларга дуч келар эди. Суғориладиган деҳқончилик тобора ривожланаётган, лалмикор ерларда экин майдонлари кенгайиб ва агротехника яхшиланаётган, ҳосил тўхтовсиз ошаётган ҳозирги пайтда чорвачиликнинг мустаҳкам ем-хашак базаси вужудга келди.

Колхозда чорва моллари сонининг ўсиши

Мол турлари	1949 йил	1952 йил	1954 йил	1949 йилдан 1954 йилгача ўсиш
Қора моллар	189	517	909	4,9 баравар
Шундан сигирлар	25	94	230	8,1 »
Қўйлар	759	3544	6825	9 »
Эчкилар	128	422	683	5,4 »
Паррандалар	—	—	975	— —
Йилқилар	34	177	428	12,7 »

Колхоз а'золари қишлоқ хўжалиги артели Уставига мувофиқ, давлат мажбуриятининг ҳамма турларини ўз вақтида адо этмоқдалар. Умумий йиғилишнинг қарори асосида қишлоқ хўжалик маҳсулотлари давлатга сотилади ва бозорларга чиқарилади. Ўтган йили ана шу йўл блан 3000 центнердан ортиқ турли маҳсулотлар сотилди.

Мирзачўл ерлари суғорилиб мўл-кўл пахта, ғалла, сабзавот, мева, узум ва ем-хашак ҳосиллари етиштирилаётгани туфайли колхоз ва колхозчилар даромади ҳам борган сари ошмоқда.

1949 йилда колхоз атиги 190 минг сўм даромад олган эди. Ўша йили колхозчиларнинг ҳарбир меҳнат кунига 1 сўм 85 тийиндан пул тақсим қилинган эди. Колхоз ўтган йил 10 миллион 281 минг 690 сўм, я'ни 1949 йилга нисбатан 22 баравар кўп даромад қилди. Даромаднинг кўп қисми пахтадан келди. Бунинг 4 миллион 369 минг 877 сўми пахтадан юқори ҳосил етиштирилганлик учун устама мукофот тариқасида олинди. Чорвачиликдан олинган даромад 540 минг сўмдан ортиқ бўлди.

Колхоз пул даромадининг ўсиши (минг сўм ҳисобида).



Бу юксак даромад ишлабчиқариш харажатларининг ўрнини тўлдириш блан жамоат фондларига кўплаб маблағ ажратишга имконият бермоқда. Масалан, 1953 йилда бўлинмас фондга 1 миллион 699 минг сўм, маданий фондга 113 минг 300 сўм пул ажратилди. Шундан кейин 6 миллион 346 минг 400 сўм миқдорида пул колхозчиларнинг меҳнат кунларига тақсим қилиниб, ҳарбир меҳнат кунига 15 сўмдан пул ва 4 килограммдан дон берилди. Кўпгина хўжаликлар жуда катта даромад эгаси бўлдилар. Масалан, колхоз а'зоси ўртоқ Холиқбой Ўсаров оиласи блан меҳнат кунлари учун 49 минг 531 сўм пул ва 51 центнер ғалла олди, звено бошлиғи ўртоқ Исоқул Муҳаммадиев оиласи блан 30 минг сўмдан кўпроқ пул, 40 центнер ғалла даромад қилди, колхозчилардан Азимбой Ўринов, Тўлаган Мавлонов ва Тошбек Бердиёров ўртоқлар оилалари 24—28 минг сўмдан пул ва 38 центнердан ғалла олдилар.

Ўтган йили ҳар гектар ердан 45 центнердан пахта етиштиришни та'минлаган коммунист ўртоқ Каримберди Жўраев бошлиқ бригаданинг а'золари бундан ҳам кўп даромад олишга муваффақ бўлдилар. Бригада бошлиғи ўртоқ Жўраев оиласи блан меҳнат кунлари учун 30 минг сўм пул ва 100 центнер ғалла, колхозчи Бек Саидов оиласи эса 40 минг сўм пул ва 130 центнер ғалла даромад қилди. Кекса тажрибакор звено бошлиғи ўртоқ Шерали Жўраев колхоздан қилган даромадлари эвазига бир сигир ва 5 қўй сотиб олди. Бригада механиги ўртоқ Мурод Мўминов 50 минг сўм пул ва 100 центнер ғалла олди. У уч хонали уй қурди, «Победа» автомашинаси, мотоцикл ва радиоприёмникка эга бўлди.

Колхоз правлениеси (раиси ўртоқ Юсуфжон Хўжабеков), партия ташкилоти (секретари ўртоқ Холмуродов) КПСС Марказий Комитетининг сентябрь ва феврал-март Пленумлари қарорларини амалга ошириш учун курашиб, колхозчиларнинг шахсий манфаатларини жамоат манфаатлари блан тўғри боғлаб олиб боришга катта аҳамият бермоқдалар. Ўтган йили 336 хонадон учун уй қурилди, бошқа районлардан кўчиб келган колхозчиларнинг хўжалик қурилишларига капитал қурилишлар фондидан 834 минг 700 сўм пул харажат қилинди; элликка яқин хонадон сигирли бўлди, шундай қилиб кўпчилик колхозчилар ихтиёрида маҳсулдор чорва моллари бор.

Қишлоқ хўжалик артели Уставига мувофиқ колхозчилар томорқа ерларга эга бўлиб, бу ерларга ҳархил экинлар экилди. Кўпчилик хонадонлар мевазор ва узумзорлар қилиб, Ҳовоснинг янги ер участкасини йил сайин обод қилмоқдалар.

Колхоз а'золари КПСС Марказий Комитети феврал-март Пленумининг қарорини ҳамда ССР Иттифоқи Министрлар Совети ва КПСС Марказий Комитетининг Ўзбекистон ССРда «1954—1958 йилларда пахтачиликни янада ривожлантириш тўғрисида»ги қарорини ўзларининг умумий йиғилишларида атрофлича муҳокама қилиб, пахта ва бошқа қишлоқ хўжалик экинлари ҳосилини янада ошириш юзасидан амалий тадбирлар белгилаб чиқдилар. Ватанпарвар колхозчилар 1954 йилда мамлакатимизга ўтган йилдагидан 13 минг 864 центнер кўп пахта ҳосили бериш тўғрисида якдиллик блан қарор қабул қилдилар. Бу—1953 йилдагига нисбатан ҳарбир гектар ердан 5 центнердан кўп ҳосил олиш демакдир. Шунга кўра бу йил 1000 гектар қўриқ ерлар ўзлаштирилиб, чигит экилди.

Машҳур соҳибкор, Сталин мукофоти лауреати ўртоқ Ризамат Мусамуҳамедовнинг раҳбарлигида колхоз ерларида 110 гектарли боғ ва токзор барпо этилди.

Карл Маркс номли колхознинг а'золари Ховос районидаги 2-нчи МТСнинг азамат механизаторлари блан ҳамкорликда иш олиб бориб, қўлга киритилган бу муваффақиятларни амалий ишлар блан янада мустаҳкамламоқдалар. Улар бу йил кўкламда ноқулай об-ҳаво шароитлари туфайли юз берган қийинчиликларни ишчанлик блан енгиб, чигит экишни қисқа муддатда, сифатли қилиб тамомладилар, барча майдонларда чигитни биртекис ундириб олиб, ғўза парваришини кучайтириб юбордилар.

Ўтган йили пахтадан юқори ҳосил етиштириб, мусобақада ғолиб чиққан ўртоқ Эсонқул Муҳаммадиев бошлиқ бригада бу йил 49 гектар ернинг ҳар гектаридан 45 центнердан, К. Бердиёров ва Х. Иброҳимов бошлиқ бригадалар 42 центнердан, Тўлаган Мавлонов, Нурбой Абдуйигитов бошлиқ звенолар эса 50 центнердан ҳосил олиш учун курашмоқдалар.

Донгдор Карл Маркс номли колхознинг азамат пахтакорлари 1954 қишлоқ хўжалик йилини ҳам янги меҳнат зафарлари блан якунлаб, жонажон Ватанимизга янада кўплаб пахта, дон, сабзавот, мева, узум ва чорвачилик маҳсулотларини мўл-кўл етказиб бериш учун курашмоқдалар.

Н. АРТЕМЬЕВ.

Трактор бригадаларида касаба союз группалари

Оржоникидзе районидаги пахтакор колхозларда ғўза парваришининг биринчи цикли тамомланиб келаётир.

Оржоникидзе МТСининг касаба союз ташкилоти шу кунларда актив иш олиб бормоқда. Экиш олдидан МТСнинг кадр ишчилари сафига қабул қилинган механизаторларни касаба союз а'золигига жалб этиш юзасидан ташкилий тадбирлар кўрилди. МТС ишчилар комитети тракторчилар меҳнатини уюштириш масалаларига кўпроқ қизиқадиган бўлди, уларнинг техникадан тўла фойдаланишлари учун шароит яратиб бериш мақсадида курашни кучайтирди. Қишлоқ хўжалик ишларининг ҳарбир циклида олиб борилаётган мусобақада биринчиликни қўлга киритган энг яхши трактор бригадаси учун кўчма Қизил байроқ ва илғор тракторчилар учун Қизил вимпел та'сис этилди.

Механик А. С. Белик бошчилигидаги бригаданинг касаба союз группаси тракторчилар ўртасида мусобақанинг чинакам ташкилотчиси эканлигини кўрсатди. Одатда, бу бригадада иш куни тамом бўлганидан кейин беш минутлик йиғилишлар ўтказилади. Бу йиғилишда касаба союз группасининг ташкилотчиси—бригада механигининг ёрдамчиси М. Г. Никитин мажбуриятни бажаришнинг биркунлик якунларини айтиб беради, далаларни ишлаш сифати ҳақида, бригадада меҳнат интизомининг аҳволи тўғрисида ахборот беради. Кунлик иш якунлари кўрсаткичлар тахтасига ёзилади. Энг яхши тракторчиларнинг ютуқлари «Жанговар варақа»ларда оммалаштирилади.

МТС даги 19 трактор бригадасининг ҳаммасида, механик мастерскойида, гаражда ва агрономия бўлимида ташкил этилган касаба союз группалари механизаторларнинг ўз зиммаларига олган юксак социалистик мажбуриятларини бажариш учун—1954 йилда МТС хизмат кўрсатаётган тўққизта пахтакор колхознинг ҳаммасида гектаридан 40 центнердан ҳосил олинишига эришиш учун актив кураш олиб бормоқдалар. (ЎзТАГ)

Ташқи ишлар министрларининг Жанва кенгаши

ЖАНВА, 10 май. (ТАСС махсус мухбири). Бугун В. М. Молотов раислигида ташқи ишлар министрлари Жанва кенгашининг Ҳинди-Хитойда тинчлик ўрнатиш тўғрисидаги масалани муҳокама қилишга бағишланган навбатдаги мажлиси бўлди.

Биринчи бўлиб сўз олган Вьетнам Демократик Республикаси делегациясининг бошлиғи Фам Ван Донг француз экспедицион корпуси составидан Диен-Биен-Фуда асир тушган оғир ярадорларни эвакуация қилиш учун рухсат беришга тайёр эканлиги ҳақида ўз ҳукумати номидан баёнот берди.

«Вьетнам Демократик Республикаси ҳукумати бу уруш давомида, жумладан ярадорлар ва асирларга нисбатан доимо юргизиб келган инсонпарварлик сиёсатини кўзда тутиб, француз экспедицион корпусининг Диен-Биен-Фуда асир қилиб олинган оғир ярадорларни эвакуация қилиш учун рухсат беришга тайёрдир.

Агар Франция ҳукумати бу ярадорларни эвакуация қилишга тайёр бўлса, ҳар иккала қўмондонликнинг вакиллари бу эвакуацияни амалга ошириш учун ўша жойнинг ўзида амалий тадбирларни кўрадилар».

Баодайчилар Вьетнамининг вакили Нгуен Куок Дин Вьетнам Демократик Республикаси ҳукуматининг ана шу конкрет таклифига очиқ-ойдин жавоб бериш ўрнига бугунги мажлисда раислик қилучи номига юборган ва, унинг айтишича, ҳарбий асирлар ҳақидаги масалага тааллуқли бўлган ўз хати тўғрисида гапирабошлади.

Раислик қилучи В. М. Молотов Нгуен Куок Диннинг ана шу нутқи муносабати блан изоҳат бериб, унинг бу мактуби мажлис очилиши олдидагина олинганлигини ва таржима қилинаётганлигини айтди. Мен, деди В. М. Молотов, бу хатнинг мазмуни блан ҳали танишиб чиққаним йўқ ва унинг мазмунини эндигина гапирган делегатнинг сўзидангина билмоқдаман.

В. М. Молотов раис сифатида айтдики, бундан аввалги мажлисда эришилган келишувга мувофиқ, мен Вьетнам Демократик Республикаси вакилига биринчи сўз бердим.

Ўйлайманки, деди В. М. Молотов, агар мен Вьетнам Демократик Республикаси делегацияси бошлиғининг эндигина эшитганимиз баёноти муносабати блан мамнуният билдирсам, бу блан кенгаш қатнашчиларининг фикрини ифода қилган бўлсам керак. Оғир ярадор бўлган француз ҳарбий асирларига нисбатан бундай инсонпарварлик акти, шубҳасиз, уларнинг аҳволини енгиллаштиради ва умумий туйғуларимизга жавоб беради.

Сўнгра В. М. Молотов, Вьетнам Демократик Республикаси делегациясининг таклифи муносабати блан манфаатдор томонлар тегишли тадбирларни кўрсалар керак деб ишонч билдирди.

Шундан кейин Бидо сўз олди. Бидо Вьетнам Демократик Республикаси вакили томонидан қилинган таклифга тўхталиб, бу таклифга ижобий қаради, лекин шуондаёқ баодайчилар вакилининг мактубини хам тилга олиб ўтди, гарчи бу хатнинг мазмуни аслда кенгаш қатнашчиларига ма'лум эмас эди.

Сўнгра раислик қилучи В. М. Молотов Вьетнам Демократик Республикаси делегациясининг бошлиғи Фам Ван Донгга сўз берди.

Фам Ван Донг ўзининг кенгаш қатнашчилари томонидан зўр этибор блан тингланган баёнотида Вьетнам Демократик Республикаси халқининг ва ҳукуматининг Ҳинди-Хитойда тинчлик ўрнатиш ҳақидаги масаладаги позициясини баён қилиб берди.

Фам Ван Донг Ҳинди-Хитойда япон оккупациясининг биринчи кунидан тортиб воқиаларнинг қандай ривожланганлигини тасвирлаб берди. Япония оккупация қилган биринчи кундаёқ вьетнам халқи Вьетнам (Вьетмин)нинг мустақиллиги учун курашучи Иттифоқ теварагига жипслашиб, фашизмга қарши ғоят катта кураш олиб бораётган дун'ё халқлари блан яқин ҳамкорликда япон босқинчиларга қарши ва уларнинг кетма-кет олмашиниб турган малайлари: французларга, сўнгра вьетнамли малайларига қарши қуролли курашга кўтарилди. Вьетнам халқининг умумий қўзғолони 1945 йилда четэл ҳукмронлиги режимини ағдариб ташлаш ва Вьетнам Демократик Республикасини та'сис қилиш блан тамомланди. Фам Ван Донг шундай ҳужжатларни келтирдики, бу ҳужжатлар тахтидан воз кечган император Бао Дай ўзининг подшолик қилиши фойдасиз эканлигига иқрор бўлганлигини ва ўз мустақиллигини ҳимоя қилишга қаттиқ бел боғлаган бутун вьетнам халқини кўрган Франция ҳукумати Вьетнам Демократик Республикасини ўз ҳукуматига, ўз парламентига, ўз армиясига ва ўз молиясига эга бўлган озод давлат деб таниганлигини, бу ҳақда 1946 йил 6 мартда Вьетнам Демократик Республикаси ҳукумати блан битим имзоланганлигини ва бу битимда 1945 йил 23 сентябрьда бошланган уруш ҳаракатларини тўхтатиш мажбуриятини олганлигини кўрсатади.

Сўнгра Вьетнам Демократик Республикаси делегациясининг баёнотида шундай фактлар келтирилганки, бу фактлар 1946 йил 6 мартдаги битим, Вьетнам Демократик Республикаси ҳукумати музокаралар йўли блан тинчликни тиклашга зўр бериб ҳаракат қилишига қарамай, француз мустамлакачилари учун уларнинг босқинчилик сиёсатини давом этдириш ва уруш ҳаракатларини кенгайтириш воситасигина бўлганлигини кўрсатади. Ана шунинг натижасида ҳамма фронтларда уруш янада кучайиб кетди ва янада шафқатсизроқ тус олди, Вьетнам учун аста-секин қулайроқ вазият юз берди. Ана шу пайтда дейилади баёнотда, Америка империалистларининг Ҳинди-Хитойдаги урушга аралашуви бошланди.

Фам Ван Донг фактлар ва ҳужжатларга асосланиб ўз баёнотида кўрсатиб бердики, америка империализми Ҳинди-Хитойдаги урушга аралашиб, Ҳинди-Хитойни америка мустамлакасига ва Шарқи-Жанубий Осиё мамлакатларини босиб олиш учун трамплинга айлантиришни мақсад қилиб қўяди. Америкали интервентлар ва урушни охиригача олиб бориш тарафдори бўлган французлар ҳозирги вақтда Ҳинди-Хитойда урушни тўхтатиш ва тинчликни тиклаш йўлида турган асосий ғовдир.

Фам Ван Донг айтдики, бу агрессия сиёсати Вьетнам, Кхмер ва Патет-Лао халқларининг манфаатларига, шунингдек француз ва америка халқларининг манфаатларига зиддир. Фам Ван Донг Вьетнам, Кхмер ва Патет-Лао халқларининг империалистик босқинчиларга қарши олиб борган курашдаги, шунингдек сиёсий, иктисодий ва маданий қурилишдаги муваффақиятларини тасвирлаб, Вьетнам Демократик Республикасининг делегацияси номидан таклифлар тақдим этди. Бу таклифлар Ҳинди-Хитой халқларининг миллий ҳуқуқларини таниш асосида урушни тўхтатишга, тинчликни тиклашга ва Ҳинди-Хитой блан Франция мамлакатлари ўртасида дўстона муносабатлар ўрнатишга қаратилгандир.

Фам Ван Донг ўз баёнотининг охирида Франция делегациясининг Бидо томонидан 8 майдаги мажлисда қилинган таклифлари тўғрисида ўзининг дастлабки мулоҳазаларини айтди.

Вьетнам Демократик Республикаси делегациясининг бошлиғи ўз баёнотини тамомлаганидан кейин Камбоджа вакили сўз берилишини сўради. У кенгаш қатнашчиларини ўз делегацияси гўё мустақил ва суверен давлатнинг вакили деб ишонтиришга уринди. Бу нотиқ Кхмер халқининг халқ-озодлик ҳаракатини Вьетнам Демократик Республикаси Халқ армиясининг гўё Кхмер территориясига бостириб кирган қисмларининг ҳаракати деб тасвирлади. Француз ма'мурлари блан яқиндан ҳамкорлик қилаётган ва Кхмер халқининг манфаатларини четэл манфаатларига қурбон қилаётган Камбоджа ҳукумати вакилига бу бема'ни сафсата бу мамлакатдаги ҳақиқий аҳвол тўғрисида жамоатчилик фикрини чалғитиш учун керак бўлди, албатта. Ма'лумки, Вьетнам халқидек, Кхмер халқи ҳам кўп йиллар мобайнида тинчлик, мустақиллик ва демократия учун қаҳрамонона кураш олиб борди. бу кураш процессида Кхмер қаршилик кўрсатиш ҳукумати тузилди, бу ҳукуматнинг ҳокимияти миллий территориянинг кенг районларига ёйилди.

Камбоджа вакили Франция делегациясининг тегишли таклифини такрорлаган ва аслда Кхмер Халқ-озодлик армиясини қуролсизлантиришга қаратилган таклифни киритиб ўз ҳукумати ҳақиқатда кимга хизмат қилаётганлигини яққол кўрсатиб берди. Камбоджа вакилининг таклифлари бу хилдаги қуролсизлантиришни гўё «Вьетнамнинг мамлакатга бостириб кирган ҳамма мунтазам ва мунтазам бўлмаган кучларини тамомила эвакуация қилиш» ниқоби остида, шунингдек «армияга ҳам, тартиб сақлаш кучларига ҳам мансуб бўлмаган элементларни қуролсизлантириш» ниқоби остида ўтказишни кўзда тутади.

Сўнгра Лаос вакили сўз олди. Унинг камбоджали шериги Кхмердаги аҳволни қандай бузиб тасвирлаган бўлса, Лаос вакили ҳам Патет-Лаодаги аҳволни шу хилда бузиб, фактларга ҳеч тўғри келмайдиган тарзда тасвирлади. Бу нотиқ Лаос ҳукуматининг лаотян халқи бошлаган халқ-озодлик курашини бостиришга қаратилган ҳаракатлари тўғрисида гапириб, унинг ҳукумати бу ҳаракатларни амалга оширишда француз қуролли кучларининг ёрдамига таянганлигини сурбетлик блан уялмай-нетмай айтди.

Лаос вакили Бидонинг таклифи блан бир хил бўлган ва Патет-Лао халқининг тинчлик, озодлик ва мустақиллик учун қаҳрамонона курашда қўлга киритган муваффақиятларини тугатишга ва унинг Халқ армиясини қуролсизлантиришга қаратилган таклифни киритди.

Раислик қилучи Англия делегацияси бошлиғи А. Иденга сўз берди. У Вьетнам Демократик Республикаси вакилининг баёнотини жуда э'тибор блан тинглаганлигини ва кейинчалик, кенгашнинг бошқа қатнашчиларидек, бу делегация тақдим этган таклифларнинг моҳияти ҳақида ўз фикрини муфассал айтиб беражагини билдирди. Иден бу мажлисда битта-иккита дастлабки мулоҳазаларни айтиш блан чекланишни истаганлигини билдирди.

Англия ташқи ишлар министри Вьетнам Демократик Республикаси ҳукумати вакилининг бу ҳукумат ўз халқининг миллий орзусини ифода қилганлиги ҳақидаги баёнотига ишонишга тайёр эканлигини уқтириб ўтди. Броқ у АҚШнинг Ҳинди-Хитойга нисбатан юргизаётган сиёсати ва қилаётган ҳаракатларининг асл мақсадлари тўғрисида Фам Ван Донг баёнотида айтилган сўзларнинг тўғрилигини рад этишга уринди. Иден, АҚШ гўё бошқа мамлакатларнинг мустақиллигини қўллаб-қувватлаш учун «кучдан фойдаланаётир», деб да'во қилди. Иден Лаос ва Камбоджа вакиллари «француз сиёсатига ва французларнинг Ҳинди-Хитойда қилган ишларига қарши келтирилган айблларга умуман жавоб бердилар» деб ҳам да'во қилди.

Броқ Иден шуондаёқ, мен «қайси томоннинг ҳақли ва қайси томоннинг айбдор эканлиги» ҳақидаги масалани муҳокама қилиш ниятида эмасман деди. У, кенгаш бунинг учун тўпланган эмас, балки Ҳинди-Хитой масаласини ҳал этадиган йўлни топиш учун тўпланган, деди. Иден Бидо томонидан тақдим этилган таклифларни «жуда қийин деб ҳисобланган аҳволдан чиқадиган йўлни топиб олиш мақсадида қилинган конструктив ташаббус» деб ҳисоблаганлигини айтди. Иден шуондаёқ, Бидонинг таклифлари, менинг фикримча, «фақат умумий очеркдир, бирқанча тафсилотлар келишиш йўли блан белгиланиши лозим» деб илова қилди. У, Ҳинди-Хитойда аниқ белгиланган жанг фронти бўлмаганлиги ва урушучи томонлар тўхталадиган муайян линия йўқлиги сабабли «фақат уруш ҳаракатларини тўхтатиб қўйишгина номақбул бўлур эди ва тинчлик ўрнатилишига сра олиб келмас эди» деди. Иден, шундай тадбирларни кўриш керакки, урушучи кучлар бир-биридан ажратиб қўйилсин ва муайян, аниқ белгиланган зоналарга олиб кетилсин, шунингдек яраш битимига риоя қилиш ҳақида ғамхўрлик қилинсин, деди.

Иден ўз сўзининг охирида, кенгаш қатнашчилари шу ҳафта мобайнида бу таклифларни ўргансинлар ва шу таклифлар асосида муфассал план ишлаб чиқсинлар деб таклиф этди.

Шундан кейин АҚШ вакили Смит сўзлади. У Диен-Биен-Фудаги оғир ярадорларни эвакуация қилиш ҳақида шу мажлиснинг бошида Вьетнам Демократик Республикаси делегацияси қилган таклифдан мамнун эканлигини айтди.

Смит Вьетнам, Кхмер ва Патет-Лао халқларининг демократик кучларига қарши қаратилган одатдаги туҳмат гапларини такрорлаб, ўтган мажлисда Франция делегацияси бошлиғи Бидо тақдим этган таклифларга қўшилганлигини билдирди ва уларни дискуссияда асос қилиб олишни таклиф этди. Смит Франция тақдим этган таклифларнинг Жанва кенгаши қатнашчилари битимларни гарантия қилишлари кераклиги ҳақида гапирилган қисмига тўхталиб, АҚШ «гарантия қилиниши керак бўлган битимларнинг характерини аниқ тасаввур қилиш мумкин бўлгандан кейингина» бундай гарантияларда қатнашишга рози бўлади деди. Смит, АҚШ Ҳинди-Хитойга нисбатан «коллектив чоралар» қўлланишни ёқлайдилар, деб яна эслатиб ўтди. Ма'лумки, АҚШ бу хил «коллектив чоралар»дан Ҳинди-Хитойдаги ишларга қуролли куч блан аралашиш учун мустамлакачи давлатларнинг ҳарбий блокини тузишни кўзда тутади.

Мажлис охирида баодайчилар Вьетнамининг вакили ўз делегацияси яқин келгусида ҳозир муҳокама қилинаётган масала юзасидан ўз таклифларини тақдим этажагини айтди. У ўз делегацияси Диен-Биен-Фудаги оғир ярадорларни эвакуация қилиш ҳақидаги таклифни баодайчи қисмларнинг ярадор солдатлари ва офицерларига хам жорий қилиш зарур деб ҳисоблаганлигини билдирди. Ҳолбуки, Вьетнам Демократик Республикаси делегацияси бошлиғининг баёнотида француз қўшинлари составидан бўлган ҳамма оғир ярадорларни, уларнинг қайси миллатдан бўлишидан қат'ий назар, эвакуация қилиш ҳақида гап бораётганлиги равшандир. Бидо баодайчилар Вьетнами вакилининг баёнотига қўшилганлигини айтди.

Раислик қилучи В. М. Молотов мажлисни ёпиб, кенгаш қатнашчилари бу масала юзасидан мажлисда айтилган фикрларни э'тиборга оладилар деб ишонганлигини айтди.

Диен-Биен-Фу учун бўлган жангларда Француз қўшинларининг кўрган талофоти тўғрисида Вьетнам ҳарбий қўмондонлигининг ахбороти

ШАНХАЙ, 10 май. (ТАСС). Вьетнам информация агентлиги бугун Вьетнам демократик республикаси ҳарбий қўмондонлигининг ахборотини билдирди. Ахборотда бундай деб кўрсатилади: Вьетнам халқ қўшинлари Диен-Биен-Фу фронтида душманни тамомила тор-мор келтирдилар ва Вьетнам Халқ армияси тарихида энг катта ғалаба қозондилар.

Вьетнам Халқ армиясининг Диен-Биен-Фу ёнидаги мустаҳкамланган француз постлари группасига қарши қаратилган ҳужуми, дейилади ахборотда, ҳақиқатда 1954 йил 13 мартда бошланган эди. Ўша вақтда халқ қўшинлари душманнинг Диен-Биен-Фу атрофидаги постларига қарши атака қилишга киришган эдилар. На-Сандаги позициялардан анча кучли бўлган бу француз постлари группаси узунаси 12 километр ва кенглиги 6 километр бўлган кенг бир районда жойлашган 49 та постдан иборат эди. Душман ихтиёрида катта самолётлар қўнаоладиган иккита йирик аэродром ҳам бор эди.

Вьетнам Халқ армиясининг ҳужуми 1954 йил 13 мартдан 6 майгача давом этди. Мавжуд ма'лумотларга кўра, Вьетнам Халқ қўшинлари 17 та пиёда ва авиадесант батальонини, учта артиллерия дивизионини ва бирнеча бронетанк, инженерлик, транспорт, авиация ва сапёр қисмларини, жам'и 16 мингдан кўпроқ солдатдан иборат 21 та батальонни ва 10 та ротани йўқ қилганлар.

Ҳужум бошланган вақтда душманнинг мудофаада қатнашган аскарлари сони 12 та пиёда ва авиадесант батальонидан ҳамда учта артиллерия дивизионидан иборат эди. Вьетнам Халқ армиясининг муваффақият блан қилган атакаларидан кейин душман Диен-Биен-Фудаги ўз қўшинлари сонини 21 батальон ва 10 та ротагача етказди.

Душманнинг ўлдирилган, ярадор бўлган ёки асир қилиб олинган офицерлари орасида француз қал'асининг бутун қўмондонлиги, марказий, жанубий ва шимолий кичик секторларнинг уч қўмондони, учта мобиль группаларининг уч қўмондони ва ҳамма батальонлар нинг командирлари бор.

Фронтнинг бу участкасида Вьетнам Халқ армияси душманнинг жам'и 62 самолётини яксон қилди ёки уриб туширди. Яксон қилинган душман самолётлари орасида «В—24», «Б—26» типидаги оғир бомбардировкачи самолётлар, «С—119» типидаги оғир транспорт самолётлари, «Хэлдайвер» типидаги қиручи самолётлар бор. Бу самолётларни француз мустамлакачиларига америка интервенциячилари бергандирлар.

Бундан ташқари, Вьетнам Халқ армияси душманнинг ҳамма қурол-яроғини, ўқ-дориларини, автомашиналарини, ўқдори ва ҳарбий анжомлар сақланган ҳамма омборларини қўлга туширди. Қўлга туширилган парашютлар сони 30 мингдан ошиқдир.

АМЕРИКА САМОЛЁТЛАРИ НОРВЕГИЯНИНГ ҲАВО ЧЕГАРАЛАРИНИ БУЗМОҚДАЛАР

НОРВЕГИЯ ҲАРБИЙ-ҲАВО КУЧЛАРИ ҚЎМОНДОНИНИНГ БАЁНОТИ

ОСЛО, 10 май. (ТАСС). Кейинги вақтларда газеталар Норвегия территорияси устида, жумладан Шимолий Норвегия территорияси устида нома'лум четэл самолётларининг учганлиги тўғрисида бирнеча марта хабар қилдилар. Шу блан бирга самолётлар гўё совет самолётлари эди, деб доим да'во қилинди. Бугун газеталар Тромс ва Треннелаг районида, шунингдек Ғарбий Норвегияда Норвегия ҳаво чегараларининг яна бузилганлиги ҳақида ёзмоқдалар. Газеталар четэл самолётларининг Дания, Швеция ва Финляндия чегараларини ҳам бузиб ўтганликлари ҳақида хабарлар олинганлигини кўрсатадилар.

Норвегия ҳарбий-ҳаво кучлари қўмондони генерал-лейтенант Ламбрехтснинг газеталарда э'лон қилинган ахборотида ҳавога кўтарилган норвеж қиручи самолётлари Норвегия чегараларини бузган самолётлар америка самолётлари эканлигини аниқлашга муваффақ бўлдилар, деб айтилади.

Ламбрехтс «Моргенбладет» газетасининг ходими блан суҳбатда бундай деган: «Мен 5 ва 8 майда Норвегия территорияси устида иттифоқчиларнинг самолётлари учганлигига ишонганман ва менингча, буни сурбетлик дейиш мумкин».

Совет-мўғул қўшинларининг япон босқинчилар устидан ғалаба қозонганига 15 йил тўлганлигини нишонлаш

УЛАН-БАТОР, 10 май. (ТАСС). Мўғулистон халқ-революцион партиясининг Марказий Комитети совет ва мўғул қўшинларининг Халхин-Гол районида япон босқинчилар устидан қозонган шонли ғалабасининг 15 йиллигини нишонлаш ҳақида ва қаҳрамон Совет Армиясининг Мўғулистон Халқ Республикасининг озодлиги ҳамда мустақиллиги учун ўз жонларини фидо қилган жангчиларининг хотирасини абадийлаш тўғрисида қарор қабул қилди. Бу тарихий воқиа блан боғлиқ тадбирлар плани тасдиқланди.

Мўғулистон халқ-революцион партияси Марказий Комитетининг қарорида айтилишича, Мўғул халқининг қаҳрамон Совет Армиясига бўлган самимий миннатдорчилиги ва чексиз ташаккурини изҳор қилиш юзасидан Улан-Баторда монумент қурилади.

Иккинчи жаҳон уруши тугаганига 9 йил тўлганлиги муносабати блан Лондонда оммавий митинг

ЛОНДОН, 10 май. (ТАСС). Кеча Лондонда Трафальгар-сквер майдонида оммавий митинг бўлди. Митингни иккинчи жаҳон уруши тугаганига 9 йил тўлганлиги муносабати блан «собиқ ҳарбий хизматчилар — тинчлик тарафдорлари ҳаракати» ташкилоти чақирди. Митингда бирнеча минг киши ҳозир бўлди. Митингдан кейин намойиш ўтказилди. Намойиш қатнашчилари уруш қурбонлари хотирасига қурилган ҳайкал ёнига бориб, гулчамбар қўйдилар. Митинг ва намойиш қатнашчилари атом ва водород қуролининг тақиқланишига эришиш, Ғарбий Германиянинг қуроллантирилишига қарши курашиш ва Ҳинди-Хитойда тинчлик ўрнатилиши учун курашиш мажбуриятини олдилар.

Француз халқи Ҳинди-Хитойдаги урушнинг тўхтатилишини талаб қилмоқда

ПАРИЖ, 10 май. (ТАСС). «Юманите» газетасининг хабарига қараганда, кўпгина демократик ташкилотларнинг ва бирқанча корхоналарнинг делегациялари француз халқи Ҳинди-Хитойдаги урушни тўхтатишга қаттиқ бел боғлаганлигини Жорж Бидога айтиш учун Жанвага бормоқдалар.

8 майда Жанвадаги француз вакиллари Марсель докерлари ва денгизчиларининг делегациясини қабул қилишдан бош тортдилар. Улар «Ҳамма делегацияларни қабул қилиш имконияти йўқ; чунки делегациялар жуда кўп», деб билдирдилар.

Франция ташқи ишлар министрлиги номига ҳам жуда кўп хат ва телеграммалар келмоқда. Масалан, Женвилье шаҳри (Сена департаменти) муниципал кенгашининг (бу кенгаш составида коммунистлар, социалистлар, «мустақиллар» ва деголлчилар бор) телеграммасида айтилишича, бу шаҳарнинг аҳолиси Ҳинди-Хитойда «уруш ҳаракатларини тўхтатиш» ҳақида битим тузиш мақсадида музокаралар олиб борилишини талаб қилмоқда.

Сенадаги Витри шаҳри (Сена департаменти)нинг собиқ ҳарбий асирлари ҳам Жанвадаги француз делегациясидан «Ҳинди-Хитойдаги урушни дарҳол тўхтатиш ва атом қуролини тақиқлаш» мақсадида музокаралар олиб боришни талаб қилган.

Пекинда Осиё мамлакатлари касаба союзлари вакилларининг кенгаши

ПЕКИН, 10 май. (ТАСС). Синьхуа агентлиги билдиради: 8 майда Осиё мамлакатлари касаба союзлари вакиллари кенгашининг ахбороти э'лон қилинди. Ахборотда бундай дейилади:

Осиё мамлакатларидаги касаба союзлари вакилларининг 1954 йил 5 майдан 8 майгача Пекинда бўлган дўстона кенгаши муваффақиятли тамом бўлди.

Бу кенгаш ўзаро ҳамкорлик ва дўстликни кучайтириш мақсадида ба'зи та'сирли касаба союз ташкилотларининг ва уларнинг раҳбарларининг бирнеча марта қилган таклифига мувофиқ чақирилган эди. Осиё мамлакатларидаги касаба союз ташкилотларининг Пекинга келган делегатлари бу кенгашда тенглик, дўстлик ва бир-бирини ҳурмат қилиш руҳида фикр олишишга ва маслаҳатлашишга якдиллик блан астойдил интилдилар.

Кенгашда тўққиз мамлакат: Совет Иттифоқи, Хитой, Ҳиндистон, Корея, Мўғулистон, Бирма, Цейлон, Индонезия ва Вьетнамдаги 17 касаба союз ташкилотидан 55 вакил қатнашди. Кенгашда кузатучи сифатида бошқа тўрт мамлакатдан саккиз вакил ҳам қатнашди. Бу вакиллар, чунончи Япония, Исроил, Франция ва Италия касаба союз вакиллари Пекинда 1 Май байрамида қатнашишга таклиф этилган эдилар.

Бошқа мамлакатлардаги ба'зи та'сирли касаба союз ташкилотлари ҳам кенгашда қатнашишни истаган эдилар. Броқ, бу мамлакатларнинг вакиллари ҳархил қийинчиликлар сабабли, жумладан четэл паспорти олиш мумкин бўлмаганлиги сабабли Пекинга келаолмадилар.

Делегатлар Осиё мамлакатларидаги ишчилар синфи ва халқлар эркинлик олишни, тинчликни, мустақиллик ва демократияни ҳимоя қилиш учун курашишни астойдил истаётганлигини якдиллик блан изҳор қилдилар. Делегатлар Осиёда империалистлар юргизаётган мустамлакачилик сиёсатини қораладилар. Делегатлар қайд қилиб ўтдиларки, эндиликда замон ўзгарди ва империалистларнинг Осиё халқлари устидан ҳукмронлик қилиб келган кунлари абадий йўқ бўлиб кетди. Ҳозир Осиё халқларининг ўз ишларини ўзлари ҳал этишдан иборат муқаддас ҳуқуқига қасд қилинишига йўл қўйиб бўлмайди.

Делегатлар АҚШдаги ҳукмрон доираларнинг Корея проблемасини тинч йўл блан ҳал этишни хавф остида қолдиришга қаратилган ниятлари ва ҳаракатларига қат'ият блан қарши чиқдилар, Ҳинди-Хитойдаги урушни кенгайтириш йўлидаги уринишларга қарши, Осиё мамлакатлари территориясида Америка аскарлари тўпланишига, Америка ҳарбий базалари қурилишига қарши чиқдилар, агрессив ҳарбий иттифоқлар ва блоклар тузиш планларига қарши, Япониянинг ремилитаризация қилинишига қарши чиқдилар. Осиё мамлакатларига ҳам ажнабийлар томонидан ҳарбий ёрдам берилишига қарши, масалан, Американинг Покистонга ҳарбий ёрдам беришига қат'ий равишда қарши чиқдилар, чунки бу ёрдам Осиёда тинчликка таҳдид қилади, шунингдек Тинч океан районида водород бомбалар синаб кўрилишига қат'ий равишда қарши чиқдилар.

Делегатлар айтдиларки, бундай ҳаракатлар ишчилар синфининг ва бутун халқнинг азоб-ўқубатларини кучайтиради, бу мамлакатларнинг миллий экономикасини хонавайрон қилади. Бу ҳаракатлар бутун дун'ё халқларининг, айниқса Осиё халқларининг тинчлигига, мустақиллигига ва хавфсизлигига бевосита таҳдид қилади. Делегатлар осиёлиларни бир-бирларига қарши уруштиришга қаратилган қабиҳ сиёсатни қат'иян қораладилар.

Делегатлар Осиёдаги кўпгина мамлакатларда сўнгги йилларда турмуш шароити ёмонлашганлиги муносабати блан чуқур ташвишланаётганликларини айтдилар. Деҳқонларнинг аҳволи эса янада кўпроқ оғирлашди. Бу мамлакатлардаги кўпгина миллий савдо ва саноат корхоналари ёпилмоқда. Ишсизлик янада кучайди.

Делегатлар ўз нуқталарида уқтириб ўтдиларки, мана буларнинг ҳаммаси Осиё мамлакатларида четэл монополистик капитали юргизаётган мустамлакачилик сиёсатининг натижасидир, шунингдек агрессия актлари ва уруш оловини ёқучиларнинг Осиё мамлакатларидаги ишларга тамомила асоссиз равишда аралашаётганликлари натижасидир.

Делегатлар Жанва кенгаши Корея масаласини тинч йўл блан ҳал этишга катта ҳисса қўшади ва Ҳинди-Хитойда тинчлик ўрнатишни та'минлайди деб астойдил умид қилганликларини айтдилар. Улар халқларни уруш оловини ёқучиларнинг фитналарини доим ҳуш'ёрлик блан кузатиб туришга чақирдилар, чунки уруш оловини ёқучилар Жанва кенгашига қарши саботаж уюштиришни истайдилар ва унинг ишини барбод қилишга уринмоқдалар. Делегатлар бу масалалар юзасидан келишиш учун халқларни ва жамоатчилик фикрини сафарбар қилишга чақирдилар. Делегатлар шу нарсани афсуланиб кўрсатиб ўтдиларки, АҚШнинг э'тироз билдирганлиги ва обструкция қилганлиги натижасида Ҳиндистон, Индонезия, Бирма, Покистон ва Цейлон каби Осиё мамлакатлари Жанва кенгашида қатнашаолмадилар.

Делегатлар Осиё халқларининг миллий мустақиллиги ва демократик эркинликлари ҳимоя қилинишини якдиллик блан ёқладилар. Улар Осиё мамлакатларидаги халқларни бирлашиш учун курашишга чақирдилар ва Осиёда ҳамда бутун дун'ёда тинчликни ҳимоя қилишга, миллий экономикани ва ташқи савдони ҳечқандай чеклovсиз ривожлантиришга ва'да қилдилар.

Ҳамма делегатлар шундай деб умид билдирдиларки, ишчилар синфининг халқаро бирлиги ва ҳамкорлиги янада кучаяди ва кенгаяди, токи ҳамма мамлакатларнинг ишчилари бир-бирларига ёрдам қилаолсин ва бир-бирини қувватлайолсин.

Делегатлар миллий манфаатларни ва демократик эркинликларни ҳимоя қилишга, ишчилар ва деҳқонларнинг энг муҳим талабларини амалга ошириш учун ҳамма мамлакатларда ишчилар синфининг деҳқонлар блан ва тинчликни, демократия ҳамда озодликни севган барча ватанпарвар элементлар блан бўлган иттифоқини кенгайтиришга, чақирдилар. Делегатлар касаба союзларининг ҳуқуқлари учун, ишчиларнинг ҳаёт шароитларини яхшилаш ва иш ҳақини ошириш учун, уларнинг зарур озиқ-овқат ва кийим-кечак блан та'минланиши учун курашишда; иш блан та'минлаш, социал та'минотни жорий қилиш ва яхшилаш, меҳнат шароитини яхшилаш учун эркаклар ва хотин-қизларга баравар меҳнат учун баравар иш ҳақи тўлаш принципи учун, ҳаммани иш блан та'минлаш ва ишсизларга ёрдам пули тўланиши учун курашишда кучқувватларини бирлаштиришни астойдил истаганликларини айтдилар.

Делегатлар самимий, дўстона вазиятда фикр олмашдилар ва келгусида ўзаро ҳамкорликни ўрнатиш учун бу хил кенгашларни чақириб туриш имконияти та'минланади деб умид билдирдилар, шу мақсадда улар Осиё мамлакатларининг касаба союз ташкилотларига ва уларнинг раҳбарларига дўстлик, иттифоқ бўлиш, бир-бирини ҳурмат қилиш ва маслаҳатлашиш асосида, сиёсий ва диний э'тиқодлардан қат'ий назар, Осиё мамлакатлари касаба союзлари вакилларининг конференциясини чақиришни якдиллик блан таклиф этдилар.

Ҳиндистон хотин-қизлари делегацияси Ўзбекистонга келди

Четэллар блан маданий алоқа қилучи Бутуниттифоқ жамияти (ВОКС)нинг таклифига мувофиқ Совет Иттифоқида бўлган Ҳиндистон хотин-қизлари — маданият арбоблари делегацияси Тошкентга келди.

Аэродромда делегацияни Ўзбекистоннинг отоқли хотин-қизларидан катта бир группаси, четэллар блан маданий алоқа қилучи Ўзбекистон жамиятининг вакиллари кутиб олдилар.

Ҳиндистон хотин-қизлари делегацияси Ўзбекистонда бирнеча кун туради. (ЎзТАГ).

Редактор З. ЕСЕНБОЕВ.

ТЕАТР ВА КИНОЛАРДА

ҲАМЗА НОМЛИ ТЕАТРДА — 12 ва 13/V да ёзги бинода — **Юрак сирлари.**

НАВОИЙ НОМЛИ ТЕАТРДА — 12/V да **Пиковая дама.**

МУҚИМИЙ НОМЛИ ТЕАТРДА — 12/V да **Тоҳир ва Зуҳра.** Ўзбекистон ССР халқ артистлари **Маҳмуджон Ғафуров, Шаҳодатхон Раҳимова, Розия Каримова,** артист **Тамара Назаровалар** қатнашади. Билетлар кундуз соат 3 дан сотилади, 13/V да **Офтобхон.**

ҚИШКИ КИНОТЕАТРЛАРДА:

«РОДИНА» — кундуз янги итальян бадиий фильми **Умид йўли,** кечқурун **Маскарад.**

НАВОИЙ номли — кундуз **Умид йўли,** кечқурун **Кумушсимон чанг.**

«ЁШ ГВАРДИЯ» — **Умид йўли,** эрталаб соат 10 да илмий-оммабоп фильмлар: 1) **Самарқанд,** 2) **Ленинградда,** 3) **Сухуми биология станцияси,** 4) **«Фан ва техника»** журнали № 4.

«ЎЗБЕКИСТОН» — **Умид йўли.**

«КОМСОМОЛ 30 ЙИЛЛИГИ» — кеч соат 10 гача **Умид йўли,** кеч соат 10 да **Москвадан узоқда.**

ЁЗГИ КИНОТЕАТРЛАРДА:

«ВАТАН» — **Умид йўли.**

«9-НЧИ МАЙ» — **Юлдуз.**

НАВОИЙ номли — **Умид йўли.**

«ИСКРА» — **Умид йўли.**

«ХИВА» — **Ўртоқлик шарафи.**

ИЛМИЙ-ОММАБОП ФИЛЬМЛАР КИНОТЕАТРИ — **Биз тинчлик тарафдоримиз.**

«УДАРНИК» — **Сепли тўй.**

ТЕЛЬМАН номли — **Умид йўли.**

НАВОИЙ НОМЛИ ТЕАТРДА
13 майда
Украинанинг Россия блан қайта қўшилишининг 300 йиллигини нишонлаб
2 бўлимда
КАТТА КОНЦЕРТ
Концертда: опера ва балет солистлари, хор, балет ва театр оркестри қатнашади.
Концерт кеч. соат 8 да бошланади. Билетлар сотилмоқда.

РЕДАКЦИЯ ВА НАШРИЁТ АДРЕСИ: Тошкент. «Правда Востока» кўчаси, № 34. РЕДАКЦИЯ БЎЛИМЛАРИНИНГ ТЕЛЕФОНЛАРИ: коммутатор — 36334 ва 33262 орқали Партия турмуши бўлими — 157, Пропаганда бўлими — 157, Совет қурилиши бўлими — 137, Маданият бўлими — 132, Адабиёт ва сан'ат бўлими — 135, Қишлоқ хўжалик бўлими — 135, Саноат ва транспорт бўлими — 136, хатлар бўлими — 132 Секретариат — 34048, э'лонлар бўлими — 38142.

Р. 1729. «Қизил Ўзбекистон», «Правда Востока» ва «Ўзбекистони сурх» бирлашган нашриётининг босмахонаси. Нашр. № 1331.